ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

ШНҚ 3.04.01-21 «ИЗОЛЯЦИЯ ВА ПАРДОЗЛАШ ҚОПЛАМАЛАРИ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 19 сентябрда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 290]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартдаги ПФ-5963-сон «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 3.04.01-21 «Изоляция ва пардозлаш қопламалари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.

3. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир в.б Ш. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 9 август,
01/2-49-сон
Келишилди:

Энергетика вазири Ж. МИРЗАМАҲМУДОВ

2024 йил 18 июль

Тоғ-кон саноати ва геология вазири Б. ИСЛАМОВ

2024 йил 1 июль

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А. АБДУХАКИМОВ

2024 йил 5 август

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси Б. ЮСУПАЛИЕВ

2024 йил 23 июль

Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ

2024 йил 16 июль

Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва
уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг
2024 йил 9 августдаги 01/2-49-сон
буйруғига
ИЛОВА

ШНҚ 3.04.01-21 «Изоляция ва пардозлаш қопламалари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) томлар, ускуна ва қувурларнинг изоляцияси қатламлари, бино ва иншоотларнинг изоляция ҳамда уларни пардозлашга оид талабларни белгилайди.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар

1. Ушбу ШНҚда қуйидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар қўлланилган:

ШНҚ 2.01.01-22 «Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар»;

ШНҚ 2.01.02-04 «Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги»;

ШНҚ 2.01.07-21 «Юклар ва таъсирлар»;

ШНҚ 2.03.10-19 «Томлар ва том қопламалар»;

ҚМҚ 2.03.11-96 «Қурилиш конструкцияларини коррозиядан ҳимоя қилиш»;

ШНҚ 2.03.13-24 «Поллар»;

ШНҚ 2.05.02-07 «Автомобиль йўллари»;

ШНҚ 3.01.01-22 «Қурилишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш»;

ШНҚ 3.01.02-23 «Қурилишда хавфсизлик техникаси»;

ГОСТ 4.233-86 «Маҳсулот сифати кўрсаткичлари тизими. Қурилиш. Қурилиш қоришмалари. Кўрсаткичлар номенклатураси» (расмий манба: «Система показателей качества продукции. Строительство. Растворы строительные. Номенклатура показателей»);

ГОСТ 8.579-2019 «Ўлчовларнинг бир хиллигини таъминлашнинг давлат тизими. Ишлаб чиқариш, қадоқлаш, сотиш ва олиб киришда ҳар қандай турдаги қадоқланган товарлар миқдорига қўйиладиган талаблар» (расмий манба: «Государственная система обеспечения единства измерений. Требования к количеству фасованных товаров в упаковках любого вида при их производстве, расфасовке, продаже и импорте»);

ГОСТ 8.113-85 «Ўлчовларнинг бир хиллигини таъминлаш давлат тизими. Штангенциркуллар. Текшириш методи» (расмий манба: «Государственная система обеспечения единства измерений. Штангенциркули. Методика проверки»);

ГОСТ 4030-63 «Том ёпиш михлари. Конструкция ва ўлчамлар» (расмий манба: «Гвозди кровельные. Конструкция и размеры»);

ГОСТ 5802-86 «Қурилиш қоришмалари. Синов усуллари» (расмий манба: «Растворы строительные. Методы испытаний»);

ГОСТ 8735-88 «Қурилиш ишлари учун қум. Синов усуллари» («Песок для строительных работ. Методы испытаний»);

ГОСТ 11473-75 «Олти бурчакли шруплар. Конструкция ва ўлчамлар» (расмий манба: «Шурупы с шестигранной головкой. Конструкция и размеры»);

ГОСТ 14192-96 «Юклар маркировкаси» (расмий манба: «Маркировка грузов»);

ГОСТ 21718-84 «Қурилиш материаллари. Намликни ўлчашнинг диэлькометрик усули» (расмий манба: «Материалы строительные. Диэлькометрический метод измерения влажности»);

ГОСТ 22690-2015 «Бетонлар. Бузмайдиган назоратнинг механик усуллари билан мустаҳкамликни аниқлаш» (расмий манба: «Бетоны. Определение прочности механическими методами неразрушающего контроля»);

ГОСТ 30108-94 «Қурилиш материаллари ва маҳсулотлари. Табиий радионуклидларнинг ўзига хос самарали фаоллигини аниқлаш» (расмий манба: «Материалы

и изделия строительные. Определение удельной эффективной активности естественных радионуклидов»);

ГОСТ 30256-94 «Қурилиш материаллари ва маҳсулотлари. Цилиндрсимон зонд ёрдамида иссиқлик ўтказувчанликни аниқлаш усули» (расмий манба: «Материалы и изделия строительные. Метод определения теплопроводности цилиндрическим зондом»);

ГОСТ 31189-2015 «Қуруқ қурилиш аралашмалари. Таснифи» (расмий манба: «Смеси сухие строительные. Классификация»);

ГОСТ 31356-2007 «Цемент боғловчига асосланган қуруқ қурилиш аралашмалари. Синов усуллари» (расмий манба: «Смеси сухие строительные на цементном вяжущем. Методы испытаний»);

ГОСТ 31357-2007 «Цемент боғловчига асосланган қуруқ қурилиш аралашмалари. Синов усуллари» (расмий манба: «Смеси сухие строительные на цементном вяжущем. Общие технические условия»);

ГОСТ 31377-2008 «Гипс боғловчилар асосида бириктирувчи қуруқ қурилиш гипс аралашмалари. Техник шартлар» (расмий манба: «Смеси сухие строительные штукатурные на гипсовом вяжущем. Технические условия»).

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Мазкур ШНҚда қуйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:

том қоплама панеллари — том қопламанинг бир қисми бўлиб, пўлат листлардан тайёрланган фальцли том қоплама учун тайёрламалар;

елимли бирикманинг мустаҳкамлиги — пардозлаш плиткасини асосдан узиб олинишидан содир бўладиган, бузилишга олиб келувчи механик кучланиш;

қопламалар адгезияси — турли хил қаттиқ ва/ёки суюқ жисмлар юзаларининг бир-бирига ёпишиши.

3-боб.Умумий қоидалар

3. Изоляция ва пардозлаш материаллари мазкур ШНҚ, ШНҚ 2.01.02-04, ШНҚ 2.03.10-19, ШНҚ 2.03.13-24 га асосан лойиҳаланиши керак.

4. Қурилиш майдонида изоляция ва пардозлаш ишлари ушбу ШНҚ, лойиҳа ва ишчи ҳужжатлари, ШНҚ 3.01.01-22, ШНҚ 3.01.02-23га мувофиқ амалга оширилиши керак.

5. Изоляция ва пардозлаш ишларини амалга оширишда уларни ишлаб чиқаришга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари ҳисобга олиниши лозим.

6. Атроф-муҳитнинг 5 С дан паст ҳароратда пардозлаш ишларини амалга оширишда совуққа қарши қўшимчаларни қўллаш керак.

7. Изоляция ва пардозлаш ишларини бошлашда улардан олдинги барча қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бўлиши зарур.

8. Изоляция ва пардозлаш ишларини бажаришда уларни олдинги қурилиш-монтаж ишлари натижаларини, конструкциялар ёки материалларнинг беркитилаётган элементларини ўрнатиш бўйича ишларнинг тўғрилиги ўрганилгандан кейингина йўл қўйилади.

4-боб.Томларнинг изоляция қатламлари

1-§. Асосий талаблар

9. Изоляция ишлари ушбу ШНҚ талаблари ҳамда том қоплама изоляциялаш материалларининг турини инобатга олган ҳолда лойиҳаланиши керак.

10. Қурилиш ҳудудида туман, момақалдироқли жала ва тезлиги 15 m/s ва ундан ортиқ бўлган шамол таъсирида ишлашга йўл қўйилмайди.

11. Изоляция ишлари бошлангунга қадар қуйидаги ишлар бажарилиши лозим:

темир-бетон плиталарга деформация чокларининг компенсаторларини, муҳандислик ускунасини ўтказиш учун патрубкаларни (ёки стаканларни) ўрнатиш ва маҳкамлаш;

ғишт, бетон конструкцияларнинг вертикал юзаларини қўшимча сув ўтказмайдиган қатлам том қоплама ва конструкциянинг бирикиш жойига елимлаш баландлигида, бироқ 300 mm дан кам бўлмаганда суваб чиқиш.

12. Ҳаво ҳарорати 5 °С дан паст бўлганда, изоляция ишларини бажаришда конструкцияларнинг вертикал юзаларини фиброцемент плиталар билан қоплашга йўл қўйилади.

13. Донали материаллардан тайёрланган конструкциялар вертикал юзаларининг қисмлари зарур ўрнатилган деталларга эга бўлиши керак.

14. Томқоплама остидаги асос мазкур ШНҚнинг 1-жадвалида келтирилган талабларга мувофиқ лойиҳаланиши зарур.

15. Юк кўтарувчи темир-бетон плиталардан асосларни қум-бетон қоришмаси ва қумли асфальт бетондан тайёрланган текисловчи қатламларни (стяжка), монолит нишаб ҳосил қилувчи қатламни, йиғма текисловчи қатламларни (стяжка) ва ёғоч асосларни қуришда қуйидагилар инобатга олиниши керак:

лойиҳада кўрсатилган нишабликлар;

асос текислиги;

асос намлиги (ёпиштириш ёки эритиш усули билан буғ изоляцияловчи материалларни ётқизиш);

цемент сувоғида деформация чокларининг тўғри ўрнатилганлиги;

маҳкамлайдиган элементларни суғуриб олишга кучланишни ва унинг ҳисобий кўрсаткичга мувофиқлиги (механик маҳкамланадиган том қопламалар).

1-жадвал

Иш тури	**Йўл қўйиладиган кўрсаткич**	**Назорат усули**
1. Нишаб (барча турдаги асослар учун)	0,2 фоиз дан ортиқ эмас	Нивелир ва рейка орқали ўлчаш
2. Текислик: тутиб турувчи темир-бетон плиталар; цемент-қумли қоришмадан текисловчи қатлам (стяжка); қумли асфальт бетондан текисловчи қатлам (стяжка); монолит нишаб ҳосил қилувчи қатлам; йиғма текисловчи қатлам (стяжка); профилланган лист; ёғоч асос	Асос юзасининг нишаб бўйлаб ва горизонтал сиртда оғиши ±5 mm; нишабга кўндаланг ва вертикал сиртда оғиши ± 10 mm	Нивелир ва рейка орқали ўлчаш
	Қўшни маҳсулотлар орасидаги баландлик бўйича фарқлар 5 mm дан ортиқ	
3. Намлик: тутиб турувчи темир-бетон плиталар; цемент-қумли қоришмадан текисловчи қатлам (стяжка); қумли асфальт бетондан текисловчи қатлам (стяжка); монолит нишаб ҳосил қилувчи қатлам; йиғма текисловчи қатлам (стяжка); ёғоч асос	 5 фоиздан ортиқ эмас 5 фоиздан ортиқ эмас 2,5 фоиздан ортиқ эмас 5 фоиздан ортиқ эмас 12 фоиздан ортиқ эмас 20 фоиздан ортиқ эмас	Бетонлар учун электрон намлик ўлчагичи орқали ўлчаш

16. Профилланган тўшамадан тайёрланган асосни қабул қилишда қуйидагилар аниқланиши лозим:

профилланган тўшама маркасининг лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги;

профилланган тўшаманинг тўғри ётқизилганлиги;

профилланган тўшамани маҳкамлаш мосламалари сони ва турининг лойиҳа ҳужжатларига мувофиқлиги;

пўлат профилланган тўшаманинг чироқлар парапетлари ва деворларига туташган жойларида, шунингдек профилланган листлар орқали коммуникациялар ва сув оқиб тушадиган воронкаларнинг икки ёқлама ўтиш жойларида шаклли элементлар мавжудлиги;

профилланган лист юзасида ва гофраларида қурилиш чиқиндиси, сув, қор ёки музнинг йўқлиги.

17. Йиғма темир-бетон плиталардан тайёрланган асосларнинг ҳароратга киришиш чокларини монолит текисловчи цемент сувоғида (стяжкаларда) бажариш зарур.

18. Қуйидагиларнинг текисловчи қатламларида (стяжка) эни 10 mm гача бўлган ҳарорат кириш чоклари бўлиши лозим:

ўлчамлари 6х6 m дан ортиқ бўлмаган майдонларда ажратувчи текисловчи қатлам ни (стяжка) цемент-қум қоришмадан бажарилишида;

ўлчамлари 4х4 m дан ортиқ бўлмаган майдонларда текисловчи қатламни (стяжка) қумли асфальт бетондан бажарилишида;

узунлиги 6 m бўлган юк кўтарувчи плитали совуқ қопламаларда майдон ўлчамлари 3х3 m.

19. Чок устига кенглиги 150 mm дан 200 mm гача бўлган ўрамли (рулонли) материал ётқизилиши керак. Бунда, ушбу материалнинг тасмаларини чокнинг ҳар икки томонига 50 mm кенгликда ёпиштириш лозим.

20. Юк кўтариш асосининг турига боғлиқ ҳолда нишабли томларда қуйидагича буғдан ҳимоялар ўрнатилиши зарур:

стропилли конструкцияларда — яхлит ёки сийраклаштирилган панжаралар (буғ ҳимояловчи материал тури ва лойиҳа талабларига боғлиқ ҳолда);

монолит темир-бетонда ушбу ШНҚнинг 16-бандига мувофиқ.

21. Таркибида сув асосли бўлган музлашга қарши қўшимчаларсиз материаллар ёки тизимларнинг бир компонентли елим таркибли ва суртма (мастика) эритмаларини 5 °С дан паст бўлмаган ҳаво ҳароратида амалга ошириш лозим.

22. Изоляция ишларини бошлашдан аввал асос юзасини чангдан тозалаш керак.

Битум таркибли ўрамли (рулонли) материаллардан буғ изоляцияловчи қатламни ўрнатишда асосни бутун юзаси бўйлаб битум таркибли праймер билан грунтлаш лозим.

23. Полимер ўрамли (рулонли) материаллардан буғ изоляцияловчи қатламни ўрнатишда ва металл профилланган тўшамадан тайёрланган асос учун асос юзасини грунтлаш талаб этилмайди.

24. Ёпишадиган ва изоляция таркибларни қоплашдан олдин сиртни грунтлашни бўшлиқларсиз ва узилишларсиз яхлит қатлам қилиб лойиҳалаш лозим.

25. Пардоз олди қатламининг асос намлиги ушбу ШНҚнинг 1-жадвалида келтирилган қийматлардан ошмаслиги зарур.

Намли асосларда грунтлашни қатламини сувга чидамли ёки сувдан ҳимояловчи воситалардан суртишга йўл қўйилади.

Намли асосларга грунтлаш қатламини суртиш вақтида уларда сув бўлмаслиги лозим.

26. Грунтлаш таркибнинг қуриш даражаси унга босилган тампонда боғловчининг излари қолмаслик усули билан аниқланиши керак.

27. Изоляциялаш қопламаларини ўрнатишда, гидроизоляция материаллари яхлит ва бир текисда ёки бўшлиқлар ва чўкиндиларсиз битта қатлам қилиб ётқизилиши (юритилиши) лозим.

28. Манфий ҳароратларда ишларни бажаришда ўрамли (рулонли) битум таркибли изоляция материаллар 15 С дан паст бўлмаган ҳароратда камида 24 h ушлаб турилиши ва бевосита иш бошланишидан аввал ўрнатиш жойига етказилиши керак.

Полимер ўрамли (рулонли) материаллар ётқизилишидан аввал 10 °С дан 25 °С гача ҳароратда камида 6 h ушлаб турилиши лозим.

29. Ҳарорати 5 С дан паст бўлган совуқ битумли суртмаларни (мастика) қўллашдан олдин дастлаб иссиқ хонада 20 °С ҳароратда камида 24 h ушлаб турилиши керак.

30. Совуқ битумли суртма (мастика)ларни мажбурий иситишга ва уларни очиқ аланга ёнида ишлатишга йўл қўйилмайди.

31. Барча сочилувчан (совуққа чидамли) материаллар сараланиши ва ювилиши зарур.

2-§. Буғ изоляцияловчи қатламни ўрнатиш

32. Буғ изоляцияловчи қатлам материалини ётқизиш бутун асос юзаси бўйича узлуксиз (яхлит) қатлам билан амалга оширилиши лозим.

33. Буғ изоляцияловчи қатламини ётқизишда қуйидагилар назорат қилиниши керак:

кесимлар, ёриқлар ва бошқа нуқсонларнинг йўқлиги;

буғ изоляцияловчи материаллар матоларининг бир-бирининг устига чиқариб бириктирилган жойларида ўзаро бирикувларнинг зичлиги (герметиклиги);

буғ изоляцияловчи материал четларининг вертикал сиртларга бирикиш жойларида зич жипслашиши ва маҳкамланиши (лойиҳа ҳужжатлари талабларига мувофиқ).

34. Буғ изоляцияловчи материални вертикал сиртларга ёпиштириш иссиқлик изоляцияловчи қатлам қалинлигига тенг баландликда амалга оширилиши лозим.

35. Буғ изоляцияловчи материал ётқизишни ён томон чокларда 80 — 100 mm га, ён қирра чокларда эса 150 mm га устма-уст чиқариб амалга оширилиши зарур.

36. Буғ изоляцияловчи материал ёнма-ён матоларининг ён қирра томондан устма-уст чиққан чеккаларини бир-бирига нисбатан камида 300 mm га силжитилиши лозим.

37. Битум таркибли материал матоларининг устма-уст чиққан чеккаларини пайвандлаш горелка алангаси ёки иссиқ ҳаво билан амалга оширилиши керак.

38. Битум таркибли материаллардан 10 фоизгача асос нишаби билан буғ изоляцияловчи қатлами ўрнатишда чокларни мажбурий ёпиштириш (эритиш) билан материални эркин ётқизишга йўл қўйилади.

39. Битум таркибли материаллардан 10 фоиздан ортиқ асос нишаби билан буғ изоляцияловчи қатламни ўрнатишда асоснинг бутун юзаси бўйлаб буғ изоляцияловчи материалларни ёпиштириш (эритиш) лозим.

40. Профилланган тўшамадан (настил) тайёрланган юк кўтарувчи асосли томларда буғ изоляцияловчи материал ўрамларини (рулонлар) гофралар бўйлаб ёйиш зарур.

Буғ изоляцияловчи материалининг бўйлама устма-уст чиққан чеккалари 80 — 100 mm ни ташкил қилиши ва профилланган листнинг устки токчаларида жойлашиши керак.

41. Профилланган тўшама асосидаги буғ изоляцияловчи материал матоларининг ён бош устма-уст чиққан чеккаларини ёпиштириш профилланган лист токчасининг устки юзасида амалга оширилиши лозим.

Ён томон устма-уст чиққан чеккаларини ёпиштириш фақат қаттиқ асосда бажарилиши зарур.

42. Полимер ўрам (рулон) материалларидан тайёрланган буғ изоляцияловчи қатламни ётқизиш ён бош ва қирра чокларда устма-уст 100 mm га чиқариб бажарилиши лозим.

Полимер материалларнинг устма-уст чиққан чеккаларини бир ёқлама (кенглиги 50 mm дан кам бўлмаган) ёки икки ёқлама (кенглиги 20 mm дан кам бўлмаган) ёпишадиган тасмалар ёки махсус елим таркиблар ёрдамида бириктирилиши керак.

43. Полимер буғ изоляцияловчи материалларни ётқизиш жараёнида шикастланганда, уларни таъмирлаш бир ёки икки ёқлама елимланувчи тасмалар ёки ямоқлардан фойдаланиб, зарарланган жойдан чеккалари камида 100 mm ли устма-уст чиқариш билан бажарилиши лозим.

44. Стропил тизимли томлар конструкцияларида буғ изоляцияловчи қатламларни ўрнатишда кимёвий воситаларни (антисептиклар, антипиренлар) ишлатишдан олдин уларнинг буғ изоляцияловчи материал билан мослиги аниқланиши керак.

45. Стропил тизимли томлар конструкцияларида буғ изоляцияловчи материаллар ўрамларини (рулон) стропил оёқлари бўйлаб узунасига, кўндалангига ётқизишга йўл қўйилади.

Барча ҳолларда ўрам (рулон)ларнинг устма-уст чокларини елимлаш учун бир ёқламали тасмалардан фойдаланиш лозим.

Ўрам (рулон)лар бирикувлари бевосита стропил оёқларининг юзасида ёки яхлит тўшамада бажарилган бўлса, икки ёқлама бириктирувчи тасмалардан фойдаланишга йўл қўйилади.

46. Стропил тизимли томлар конструкцияларида буғ изоляцияловчи материалларни ётқизишда уларни осилиб қолиши ва бурмалар пайдо бўлишига йўл қўймаган ҳолда амалга ошириши керак.

47. Стропил тизимли томлар конструкцияларида буғ изоляцияловчи материаллар матоларини стропилларда ёки пастки тўшамада дастлабки маҳкамлашни қурилиш степлерининг ўқлари ёки кенг қалпоқчали михлар билан бажариш лозим.

Қўшимча маҳкамлашни каркасли брусоклар ёки ички пардозлаш профиллари билан таъминлаши керак.

3-§. Иссиқлик изоляцияловчи қатламни ўрнатиш

48. Иссиқлик изоляцияловчи плиталарни ётқизиш аввалдан ётқизилган буғ изоляцияловчи қатлами юзаси бўйлаб бир-бирига яқин «ўзи томон» йўналишида амалга ошириши лозим.

49. Иссиқлик изоляцияловчи қатламларда турли қалинликдаги плиталардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

50. Иссиқлик изоляциялаш ишларини амалга ошириш жараёнида ётқизилган иссиқлик изоляцияловчи плиталар юзаларини брезент ёки полиэтилен плёнкалар билан ёпган ҳолда ёғингарчилик таъсиридан ҳимоялаш зарур.

51. Буғ изоляцияловчи қатлами материални ётқизиш бўйича талабларни таъминлаш шарти билан, иссиқлик изоляцияловчи плиталарни ётқизишни буғ изоляцияловчи қатламини ётқизиш билан қўшишга йўл қўйилади.

52. Иссиқлик изоляцияловчи плиталарни ётқизиш учун асос профилланган тўшама бўлган ҳолларда, иссиқлик изоляцияловчи плиталарни ётқизиш уларнинг узун томони билан тўшама гофраларига кўндаланг амалга ошириши лозим.

53. Профилланган тўшама устки токчаларига иссиқлик изоляцияловчи плиталари таянч юзасининг минимал майдони 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

54. Профилланган лист гофраларини тўлдириш минерал пахтадан тайёрланган ёки жойида кесилган шаклдор элементлар билан амалга оширилиши лозим (сочилувчан иссиқлик изоляцияловчи материаллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди).

55. Иссиқлик изоляцияловчи плиталарни профилланган тўшамаларга механик маҳкамлаш, том қоплама гиламини маҳкамлашдан алоҳида ва фақат иссиқлик изоляцияловчи плиталарнинг устки қатлами учун амалга оширилиши, бунда битта иссиқлик изоляцияловчи плитасига камида иккита маҳкамлаш элементлари ўрнатилиши лозим.

56. Иссиқлик изоляцияловчи плиталар четидан маҳкамлаш элементигача масофа камида 200 mm бўлиши керак.

Бунда, иссиқлик изоляцияловчи плиталар бир қатлам қилиб ётқизилганда, механик маҳкамлаш плитанинг марказий чизиғи бўйича узун томони бўйлаб, икки қатлам ва ундан ортиқ ётқизилганда бурчак зоналарда амалга оширилиши лозим.

57. Иссиқлик изоляцияловчи плиталар бир ёки бир нечта қатламларда бир-бирига зич қилиб ётқизилиши керак.

58. Иссиқлик изоляцияловчи плиталарни икки ва ундан ортиқ қатламда ётқизишда иссиқлик изоляциясининг пастда ётқизилган қатламлари бўйлаб ҳаракатланишдан сақланиши, ҳаракатланиш зарур бўлганда мосламалар (том траплари) лойиҳаланиши лозим.

59. Иссиқлик изоляцияловчи плиталарнинг қалинлиги бўйича икки ёки ундан ортиқ қатламда ётқизилганда, улар бир-бирига зич туташтирилган ҳолда тарқоқ қилиб жойлашиши керак.

60. Иссиқлик изоляцияловчи плиталарни ётқизишда қўшни қаторлар чокларини 150 mm дан кам бўлмаган масофага силжишига риоя қилиш зарур.

Иссиқлик изоляцияловчи плиталарни икки ва ундан ортиқ қатламда ётқизишда ҳар бир кейинги қатламнинг олдингисига нисбатан силжиши камида 200 mm бўлиши лозим.

61. Иссиқлик изоляцияловчи қатлам орқали муҳандислик ускунасининг ўтиши учун том қоплама юзасидан баландлиги камида 350 mm дан бўлган махсус гильзалар инобатга олиниши керак.

62. Иссиқлик изоляцияловчи плиталарни асосга ва бир-бирига ёпиштиришни (икки қатлам ва ундан ортиқ қалинликда) лойиҳа ва ишчи ҳужжатларга мувофиқ елимли таркиблар, совуқ ва иссиқ битумли суртмалар (мастика) билан нуқтали ёки йўлма-йўл қилиб лойиҳалаш зарур.

63. Иссиқлик изоляцияловчи қатламининг материали сифатида кўпикли шишадан тайёрланган плиталардан фойдаланилганда, уларни ётқизишдан аввал пастки сиртни ва иккита қўшни қирраларни битумли суртма (мастика) билан қоплаш лозим.

Ётқизилгандан кейин плиталар (блоклар) барча бирикувларининг битумли суртма (мастика) билан тўлганини назорат қилиш керак.

64. Бино баландлиги 75 m гача бўлганда, нуқтали ёки йўлма-йўл ёпиштириш бир текисда бўлиши, елимланаётган юзаларнинг 25 — 35 фоизни ташкил қилиши лозим.

65. Бино баландлиги 75 m дан ортиқ бўлганда, иссиқлик изоляцияловчи плиталар асосга яхлит қатлам билан елимланиши керак.

66. Иссиқлик изоляцияловчи қатлами қуйидаги 2-жадвалга мувофиқ бўлиши лозим.

2-жадвал

Талаблар	**Йўл қўйиладиган кўрсаткич**	**Назорат усули**
1. Иссиқлик изоляцияловчи қатлам юзасининг лойиҳа бўйича берилган нишабдан четланиши (бутун майдон бўйича)	0,2 фоиздан ортиқ эмас	Ўлчаш, тасдиқланган нишаб ўлчагични қўллаб, ҳар бир 50 — 70 m^2 юзага камида беш марта ўлчашлар ёки кўз орқали (визуал) текшириш билан аниқланадиган жойлардаги кичикроқ майдонда
2. Иссиқлик изоляцияловчи қатламнинг четланиши: горизонтал бўйича вертикал бўйича	 ±5 mm ±10 mm	Ўлчаш, 2000x20x50 mm дан кам бўлмаган ёғоч ёки металл (алюмин) рейкани ва ГОСТ 8.113-85 бўйича чизғични қўллаб, ҳар бир 50 — 70 m^2 юзага камида беш марта ўлчашлар ёки кўз билан (визуал) текшириш билан аниқланадиган жойлардаги кичикроқ майдонда
3. Иссиқлик изоляцияловчи материалнинг намлиги	5 фоиздан ортиқ эмас	Ўлчаш, ГОСТ 30256-94 бўйича цилиндрик зонд усули билан ҳар бир 50 — 70 m^2 юзага камида беш марта ўлчашлар ёки кўз билан (визуал) текшириш орқали аниқланадиган жойлардаги кичикроқ майдонда
4. Минерал пахтадан тайёрланган иссиқлик изоляцияловчи плиталар орасидаги чоклар кенглиги	2 mm дан ортиқ эмас	Ўлчаш, ГОСТ 166-89 бўйича штангенциркуль ва ГОСТ 8.113-85 бўйича металл чизғични қўллаб, ҳар бир 50 — 70 m^2 юзага камида беш марта ўлчашлар ёки кўз билан (визуал) текшириш орқали аниқланадиган жойлардаги кичикроқ майдонда

67. Иссиқлик изоляцияловчи қатлам сифатида кўпикланган полистирол, экструзияли кўпикланган полистирол, пенополизоцианурат асосидаги плиталардан фойдаланилганда, уларни ёпиштириш учун совуқ суртмалар (мастика) ёки таркибида органик эритувчилар бўлмаган махсус елим таркиблар ишлатилиши лозим.

68. Сочилувчан иссиқлик изоляцияловчи материаллар ётқизишдан олдин фракциялар бўйича сараланиши керак.

Иссиқлик изоляциясини маёқ рейкалари бўйлаб йўллар кенглигини 2 — 4 m қилиб йўлма-йўл ўрнатишга йўл қўйилади.

Иккинчи ва ундан кейинги (зарурат бўлганда) қатламларни ўрнатиш биринчиси (аввалгиси) зичлангандан кейин амалга оширилиши, бунда ҳар бир кейинги қатламга майдароқ фракцияли сочилувчан иситгич ётқизилиши керак.

69. Қатламларни 60 mm дан ортиқ бўлмаган қалинликда ётқизиш ва зичлаш лозим.

Зичлаш коэффициентини лойиҳалаш талабларига мувофиқ қабул қилиш керак.

Зичлаш коэффициентининг четланиши 5 фоиздан ортиқ бўлмаслиги зарур.

70. Сочилувчан иссиқлик изоляцияловчи материалларни сув изоляцияловчи қатлам остига асос сифатида қўллашга ушбу қатлам бўйича текисловчи қатламни (стяжка) ўрнатмасдан йўл қўйилмайди.

71. Нишаб томлар конструкцияларида иссиқлик изоляцияловчи қатламни ўрнатишни пастки қисмлардан бошлаш лозим.

72. Нишаб томлар конструкцияларида иссиқлик изоляцияловчи плиталарни ётқизиш стропиллар (балкалар, прогонлар) ёки қўшимча брусчалар орасида босим билан амалга оширилиши зарур.

73. Минерал пахтадан тайёрланган иссиқлик изоляцияловчи материаллардан фойдаланилганда, уларни зич бирлашиб (тақалиб) туришини таъминлаш учун ҳар бир томонидан 5 mm дан қолдириб бичиш керак.

4-§. Ўрамли (рулонли) материаллардан сув изоляцияловчи қатламни ўрнатиш

74. Ўрамли (рулонли) материалларни пайвандлаш лойиҳасида, пайвандлаш технологиясига мос келадиган махсус пайвандлаш ускунаси билан амалга оширилиши лозим.

75. Ўрамли (рулонли) материалнинг текисловчи қатлам (стяжка) сирти ва қатламлар орасидаги уланиш маҳкамлиги 0,1 МРа дан кам бўлмаслиги керак.

76. Ўрамли (рулонли) материалларни ётқизишда уларни ўзи томон йўналишида ётқизиш лозим.

77. Ўрамли (рулонли) материалларни эритиб ёпиштиришда, материалнинг ён четидан боғловчи модданинг 5 — 15 mm гача чиқиб кетиш жараёнини назорат қилиш керак.

78. Ўрамли (рулонли) материалларни ёпиштиришдан олдин ўрнатиш жойи бўйича белгилаш, бунда ўрамли (рулонли) материаллар матоларини тақсимлаш (жойлаштириш) уларнинг елимлашда чеккаларнинг устма-уст чиқиш кўрсаткичини таъминлаши лозим.

79. Ўрамли (рулонли) битум таркибли материаллар матоларини ётқизишда ёнма-ён матоларнинг икки қатламли том қоплама учун камида 100 mm га ва бир қатлами учун камида 120 mm га кўндаланг чеккаларнинг устма-уст чиқишини таъминлаш зарур.

Матолар чеккаларининг четки устма-уст чиқиши 150 mm бўлиши керак.

80. Ўрамли (рулонли) материални суртмага (мастика) ўрнатишда у яхлит, узлуксиз қилиб бўшлиқларсиз, ёки йўлма-йўл қатлам қилиб ётқизилиши лозим.

81. Матоларни асосга нуқтали қилиб елимлашда ўрамли материал матолари тирқишлар жойлашган жойларда очиб ётқизилгандан кейин суртма (мастика) суртилиши керак.

82. Қатламлар орасида йўлма-йўл ва нуқтали елимлашларга йўл қўйилмайди.

83. Вертикал юзаларда ва туташган жойларда ўрамли (рулонли) материалларни бутун сирт бўйича ёпиштириш лозим.

84. Келгусида пайвандлаш чоки соҳасига елим тушишига йўл қўйилмайди.

85. Поливинилхлорид ва термопластли полиолефин асосидаги полимер материалларни механик маҳкамлашда маҳкамлагичлар қўшни матоларнинг ён бош устма-устликларида улар тортилгандан ва четки қисмларда маҳкамлангандан кейин ўрнатилиши керак.

86. Синтетик каучук асосидаги полимер материалларни механик маҳкамлашда маҳкамлагич ўз-ўзидан елимланадиган ленталарга ўрнатилиши лозим.

87. Полиизобутан асосидаги полимер материалларни механик маҳкамлашда маҳкамлагич фиксацияланадиган елимланадиган тасмаларга ўрнатилиши керак.

88. Ўрамли (рулонли) полимер материаллар матоларини ётқизишда чеккаларнинг талаб қилинадиган устма-уст чиқиши қуйидаги 3-жадвалга мувофиқ бўлиши лозим.

3-жадвал

Ётқизиш усули	Қуйидаги асосдаги полимер материаллар учун чеккалар устма-уст чиқишнинг аҳамияти, mm камида		
	ПВХ ва ТПО	ЭПДМ	ПИБ
1. Механик маҳкамлаш	120	200	50
2. Балластли, елимланадиган	80	100	50

89. Ўрамли (рулонли) полимер материаллар матоларини елимлашда бўйлама ва кўндаланг чоклардаги пайвандлаш зонаси 30 mm дан кам бўлмаслиги керак.

90. Томнинг чиқиб турган юзаларига (парапетлар, деворлар) бирикишда ўрамли (рулон) сув изоляцияловчи битум таркибли материаллардан қопламаларни ўрнатишдан олдин ўтиш бортчасига сепилмасдан мустаҳкамловчи материалдан қатламни горизонтал юзага чеккаларини 100 mm дан кам бўлмаган устма-уст чиқариш билан ётқизиш лозим.

91. Ўрамли (рулонли) четки қисми билан нишаб бортикка келтирилганда, кучайтириш қатламини ўрнатмасдан материални нишаб бортикка киритишга йўл қўйилади.

92. Том чўққида эритиладиган ўрамли (рулонли) битум таркибли материаллардан сув изоляцияловчи қатламини ўрнатишда 3,0 фоиз ва ундан ортиқ нишабли том қопламани ҳар бир томонидан 150 — 250 mm кенгликка, ендовани эса, 500 — 750 mm (букилиш чизиғидан) кенгликка битум таркибли ўрамли (рулонли) материалнинг қўшимча қатлами билан мустаҳкамлашга йўл қўйилади.

93. Ўрамли (рулонли) материаллар матоларини том нишаби бўйлаб елимлашда мато пастки қатламининг юқори қисми қарама-қарши нишабни камида 1000 mm га ёпиши керак.

Ўрамли (рулонли) материални суртмасига (мастика) ёпиштирилаётган бўлса, уни ёйилаётган ўрамли (рулонли) остига 80 — 100 mm кенгликдаги учта тасма бўйлаб ётқизилиши, бунда кейинги қатламлар суртманинг (мастика) яхлит қатламига ёпиштирилиши зарур.

Матоларни том нишабига кўндаланг ёпиштиришда, том чўққисида (конёк) ётқизилаётган матонинг юқори қисми қарама-қарши нишабни 250 mm га ёпиши ва суртманинг (мастика) яхлит қатламига ёпиштирилиши лозим.

5-§. Суртма (мастика) материаллардан сув изоляцияловчи қатламини ўрнатиш

94. Суртма (мастика) материалдан сув изоляцияловчи қатламини ўрнатишда ҳар бир қатлам грунтли таркиб ёки пастки қатлам қотганидан кейин яхлит, узилишларсиз, бир текис қалинликда ётқизилиши керак.

95. Полимер таркиблардан изоляциялаш қопламаларини ўрнатишда, уларни қопламанинг бир текис қалинлигини ва асос билан 0,1 МРа дан кам бўлмаган уланиш мустаҳкамлигини таъминлайдиган механик усул билан ётқизилиши лозим.

96. Битум ва битум-полимер суртмалар (мастика) қўлланганда, таркиблар қўлда ҳамда механик усулда ётқизилишига йўл қўйилади.

Асос билан ва қатламлар орасидаги уланиш мустаҳкамлиги 0,1 МРа дан кам бўлмаслиги керак.

97. Изоляциялаш қопламасини ўрнатишда суртмалар (мастика) қатламлари орасига арматураловчи материал ётқизилиши лозим.

98. Суртмалар (мастика) гидроизоляцияловчи қатламни арматуралаш ҳамда лойиҳада келтирилган материаллардан фойдаланиш керак.

99. Суртмали (мастика) том қопламалардаги арматураловчи асосларнинг бир-бирига устма-уст ўтиши 80 mm дан кам бўлмаслиги лозим.

100. Туташувларни ўрнатиш жойларида қўшимча равишда арматураловчи материал билан суртма (мастика) қатлами ётқизилиши керак.

101. Тўлиқ корхонада тайёрланган йиғма темир-бетон плиталардан том қопламаларда суртмали (мастика) бўяладиган ва шимдириладиган таркиблардан (ўрамли том қоплама) гидроизоляцияловчи қопламаларни ўрнатиш корхона шароитида амалга оширилиши лозим.

102. Тўлиқ корхонада тайёрланган йиғма темир-бетон плиталарда изоляцияловчи қопламани ўрнатишда арматураловчи материални унинг (қоплама) қатламлари орасида ётқизишга йўл қўйилмайди.

5-боб. Донали материаллардан том қоплама ўрнатиш

1-§. Асосий талаблар

103. Панжаранинг қадами ва узунлиги донали материал ўлчами бўйича ҳисобланиши лозим.

Панжарани стропилларда жойлаштиришда донали материаллар нишабда бутун сонли қаторларда ва қаторда черепицаларнинг бутун сони билан ётқизилиши керак.

Панжара сифатида кесилган тахтадан фойдаланилганда, тахталар орасидаги тирқиш 1,0 дан 5,0 mm гача бўлиши лозим.

104. Донали материалларни карниздан том чўққисигача (конёк) қаторлаб, биринчи қатор панжарасига перпендикуляр равишда устунларнинг дастлабки белгиланиши бўйича ўрнатиш зарур.

Ҳар бир юқорида ётқизилган қатор том қоплама нишаби бурчагига боғлиқ бўлган чеккаларининг маълум устма-уст чиқиши билан пасткисига туширилиши лозим.

105. Черепицани устки тишлари билан илиб панжарага ётқизилиши, бунда черепица биринчи қаторининг остига, уларнинг пастки четини кўтариб ва том қопламаси сиртига чиқариб, карниз осилмаси аэроэлементи ўрнатилиши керак.

Черепицани нишаб периметри бўйича чекка қаторлар ва устунларга ўз-ўзини кесувчан винтлар билан маҳкамланиши лозим.

Нишаб бурчаги 60 фоиздан юқори бўлганда, черепицанинг ўз-ўзини кесувчан винтлар билан маҳкамланиши керак.

106. Овал шаклдаги черепицани боғламда горизонтал устма-уст чиқариш билан черепица кенглигининг ярмига ётқизиш лозим.

Вертикал устма-уст чиқариш бир қатордан кейин пастда жойлашган черепицага кириши ва камида 40 mm бўлиши керак.

107. Овал шаклдаги черепецани горизонтал қаторлар билан, карниздан том чўққисигача юргизилган вертикал белгилар бўйича кейинги қаторларда горизонтал силжитишсиз ётқизиш лозим.

Черепица орқа томонига тишлар билан илингандан кейин вертикал ва горизонтал қулфларда зич бирикиши керак.

108. Ярим доира шаклдаги черепицасиния хлит қоришмада, фронтондан чапдан ўнгга йўналишда ётқизиш лозим.

Ҳар бир устки черепица тор учи билан пастки черепицанинг кенгайган учига киритилиши керак. Бунда, қопловчи қаторда ҳар бир юқоридаги черепица худди ўша кўрсаткичга пастки черепицанинг тор учини ёпиши лозим.

109. Эгилувчан (битум) черепицани ГОСТ 4030-63 бўйича кенг каллакчалик рухланган михлар ёрдамида асосга маҳкамлаш ва битум суртма (мастика) билан елимланиши керак.

110. 5°С дан паст ҳароратда ишлар амалга оширилганда плиткадаги ўз-ўзини елимлайдиган тасмани қурилиш фени билан иситиб туриш лозим.

2-§. Листли материаллардан том қопламаларини ўрнатиш

111. Хризотилцемент том қоплама ва шаклли деталларни панжарага маҳкамлаш материалларининг иссиқдан ва намликдан чизиқли кенгайишини компенсациялаш диаметри маҳкамловчи элемент диаметридан 2-3 mm га ошиб кетганда, аввалдан пармалаб очилган тешиклар орқали бажарилиши лозим.

Тешикларни уриб очишга йўл қўйилмайди.

112. Хризотилцемент том қоплама маҳкамлагичи олти тўлқинли листларда иккинчи ва бешинчи тўлқин чўққисига ва беш тўлқинли листларда иккинчи ва тўртинчи тўлқин чўққисига тақалгунча (қистирмагача) ўрнатилиши лозим.

113. Оддий профилли ва ўрта тўлқинсимон хризотилцемент тўлқинсимон листларни олдинги қатор листларига нисбатан битта тўлқинга силжитиб ёки силжитмасдан ўрнатиш зарур.

Профилларнинг кучайтирилган ва унификацияланган лист олдинги қатор листларига нисбатан силжитишсиз ўрнатилиши керак.

114. Ҳар бир юқоридаги қатор нишаб бўйлаб пастидагига қуйидагича туширилиши керак:

120 — 140 mm га — оддий профиль ва ўрта тўлқинли хризотилцемент тўлқинли листлардан қопламалар ўрнатишда;

200 mm га — унификацияланган ва кучайтирилган профилларнинг хризотилцемент листдан қопламалар ўрнатишда;

75 mm га — хризотилцемент ясси листлардан қопламалар ўрнатишда.

115. Тўртта листларнинг чеккаларини бир-бирини устига ётқизиш жойларида листлар бурчагини кесиши, бунда оддий листларда қарама-қарши диагональ бурчакларни кесиш керак.

Листларнинг бириктирилаётган кесилган бурчаклари орасида 3-4 mm ли тирқиш инобатга олиниши лозим.

116. Бошланишдаги ва охирги том чўққиси (конёк) листларида бурчакларни кесмасликка йўл қўйилади.

117. Карниз, том чўққиси (конёк) ва четки листда битта бурчакни кесиш лозим.

118. Профилланган листлар ёки металл черепицани ЭПДМдан зичловчи шайбали ва бўялган каллакчалик кесиб кирадиган шуруплар билан ГОСТ 11473-75 бўйича тўсинларга маҳкамлаш зарур.

119. Профилланган лист чеккаларининг нишаб бўйича устма-устига чиқиши 250 mm дан кам бўлмаслиги, нишабга кўндаланг эса битта гофрага бўлиши лозим.

120. Герметиклар билан бирикувлар ёпилиб, томларнинг 30 — 45 фоизгача нишабларда, 45 фоиздан ва ундан нишабларда профилни тўлиқ ёпмасликка (листни бир тўлқинга силжитиш билан) йўл қўйилади, бунда қўйидагилар бажарилиши керак:

қопловчи ён томоннинг қайтармаси профилнинг тўлиқ бўлмаган (ёки тўлиқ) юқори токчанинг орқасига унинг ён томон қопловчи қиррасига зич ўрнатиб;

битта ён томон юзали пастки профиль горизонтал пастки қайтармали лист профилининг ён томон юзаси остига зич ўрнатилиб;

юқори қопловчи ён томонга ёпилаётган лист юқори полкасидаги ўйиққа зич листлар ўртасида тирқишларсиз) ўрнатиб.

121. Томларнинг 20 — 30 фоизгача нишабларида лист бирикиши уларни битта тўлқинга (бутун профиль) силжитиш ва бирикувларни герметизациялаш билан бажарилиши керак.

3-§. Металл листлар том қопламаларни ўрнатиш

122. Металл лист том қопламаларни ўрнатишдан олдин қора металлдан тайёрланган (рухланмаган) конструкциялари грунтлаш ёки ёғочдан конструкцияларга антисептик ва антипирен билан ишлов бериш лозим.

123. Карнизни маҳкамлаш учун каркас элементларини 600 mm дан кўп бўлмаган қадам (оралиқ) билан бажариш керак.

Карниз осилмасини томқоплама металл билан қоплашда битта юза кенглиги 150 mm дан ортиқ бўлган элементлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Бунда, қоплама юзаси 150 mm дан ортиқни ташкил қилса, унда элемент устида поғона ёки бўкиш бажарилиши керак.

124. Карнизларда ва том қопламаларнинг чиқиб турган конструктив элементларга ёндашиш жойларида ҳаво алмашиш имкониятини ва томнинг чиқиб турган қисмларига том қоплама ёндашган жойларида панжараларни ҳавонинг туриб қолмаслиги лозим.

125. Карниз осилмаси қопламасининг конструкциясида том қоплама ости жойини вентиляция қилиш учун ҳаво тортиб олиш ечимлари мавжудлигида тешилган деталлар

ўрнатилиши, бунда перфорацияланган деталлар бир-бирининг устига ўтишида тешиклар беркилиб қолмаслиги керак.

126. Қоплама конструкциясида рангли том қоплама материалларидан (рух, мис, алюминий) фойдаланилганда, деталлар узунлиги 1250 mm дан ошмаслиги лозим.

127. Оддий панеллар монтажи карниз осилмаси ва лотоклари билан девор тарновлари ўрнатилгандан кейин бажарилиши керак. Бунда, монтаж вертикал қаторлар билан том чўққи (конёк) қиррасини ҳосил қилиш учун 50-60 mm га чиқариш билан, фронтон осилмаси учун эса том четининг орқасига тушириш билан амалга оширилиши лозим.

128. Карниз осилмаси ва девор тарновлари лотоклари, шунингдек оддий том қоплама чокларига том қоплама нишаби 40 фоиздан кам бўлганда, туташишларга (тарновлар, том қоплама чиқиб турган қисмлари қуршовида) зичловчи лента (герметик) ётқизилиши керак.

129. Рангли том қоплама металларини қўллашда коррозияни олдини олиш учун том қоплама металлининг битум материаллари, цемент, шунингдек ишқорли ва кислотали реакцияларга ҳамда антисептик эритмаларга эга материаллар билан алоқасининг олди олиниши лозим.

130. Том қоплама рухини том қоплама материали сифатида ишлатилганда, яхлит тўшама ўрнатиш учун цемент-қиринди плиталардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

131. Қисқа томон бўйича том қоплама ётқизилган бирикма (фальц)лар билан, узун томон бўйича иккиланган вертикал бирикма (фальц) билан бириктириш лозим.

Том қоплама нишаби 60 фоиздан ортиқ бўлганда, бурчакли Г-симон фальцни қўллашга йўл қўйилади.

Том қоплама нишаби 30 фоиздан кам бўлганда, бирикишларни фақат иккиланган бирикма (фальц)га бажариш керак.

132. Панелларни асосга маҳкамлашни листлар бирикма (фальц)лари орасидан ўтказилган кляммерлар билан амалга ошириш лозим.

Кляммерлар қадами ШНҚ 2.01.07-21 бўйича шамол юкига кўра ҳисоб-китоблар билан аниқланиши зарур.

133. Маҳкамловчи деталлар ШНҚ 2.03.10-19 га асосан ўзаро мослигига кўра бажарилиши керак.

134. Карниз қопламаси ўрнатишни осилма бўйлаб воронка остидаги костиллар, томизгич ёки карниз осилмаси қопламаси (подшивка)ни ушлаб туриш учун мўлжалланган костилларни ўрнатишдан бошлаш лозим.

Барча костиллар бир чизиқда ётқизилиши, бунда костилларни маҳкамлаш 150 mm дан ортиқ бўлмаган қадам билан рухланган маҳкамлагич билан амалга оширилиши керак.

Том қопламаси сифатида мисдан фойдаланилганда, костиллар ва маҳкамлагич зангламайдиган пўлат ёки мисдан тайёрланиши лозим.

135. Мисдан тайёрланган ярим маҳсулотни рухланган маҳкамлагич билан маҳкамланишига йўл қўйилмайди.

136. Том қопламанинг 60 фоиздан ортиқ нишабда ШНҚ 2.03.10-19 бўйича сувнинг эркин оқиши чекланган жойларни истисно қилганда, сохта планкадан фойдаланилган бирикишларни қўллаган ҳолда, суртма (подводка)ни бажаришга йўл қўйилади.

137. Элементларни бир-бирига устма-уст қилиб герметик билан бирикишида герметикнинг деталь четидан 1-3 mm га ташқарига чиқиб кетишини назорат қилиниши керак.

138. Кенглиги 500 mm гача бўлган томнинг чиқиб турган элементи атрофида том қопламасини ўрнатишда чиқиб турган элемент орқасида нишаблантиргич ўрнатмасликка йўл қўйилади.

139. Кенглиги 500 — 1000 mm гача бўлган томнинг чиқиб турган элементини айланиб ўтишда томонларнинг биттасига нишаблантиргич ўрнатилиши лозим.

Кенглиги 1000 mm ва ундан ортиқ бўлган томнинг чиқиб турган элементини айланиб ўтишда чиқиб турган элемент вертикал ўқидан икки томонга нишаблантиргич ўрнатилиши керак.

140. Том қоплама металлининг ёндашишлардаги баландлиги 250 mm дан кам бўлмаслиги зарур.

Ёндошиш деталининг юқори қисмида маҳкамлаш кляммерларини деворга ўрнатиш учун қиррани 15 — 20 mm гача кенгликда эгиш лозим.

141. Том қоплама чиқиб турган қисмларининг баландлиги панжара сатҳидан 500 mm дан ортиқ бўлмаган ҳолларда, томнинг металл қопламаси унинг бутун юзасига ўрнатилиши керак.

142. Брандмауэрлар, парапетлар, қувурлар, камарлар, сандриклар, дераза токчалари ва том ҳамда фасаднинг бошқа чиқиб турган қисмларини томчилагич билан пардозланиши лозим.

143. Брандмауэр деворлари ва парапетлар билан ҳосил қилинган барча чўнтакларда сувни тўсиқсиз олиб ташлаш учун 2 фоиздан кам бўлмаган нишаб билан нишаблантиргичлар ўрнатилиши керак.

4-§. Тайёр қопламалар ва уларни ўрганишга қўйиладиган талаблар

144. Қопламалар бажарилиш сифатининг кўз билан (визуал) назорати бевосита улар юзасидан амалга оширилиши лозим.

145. Сирт яхлитлигининг бузилишига (ёриқлар, кесиклар, шишлар, қатламларга ажралишлар, қатлам кўчишига) йўл қўйилмайди.

146. Нишаб томларнинг ташқи томонидан кўрик ўтказилганда, қуйидагилар текширилиши лозим:

том чўққи (конёк)лари, карнизлар, букилган жой (ендова)лари ва тарновлар, радио ва телеантенналар асослари ўрнатилган жойлардаги қоплама ҳолати;

қорни ушлаб қолувчи конструкциялар ҳолати;

сув оқиб тушадиган воронкалар ва тарновларнинг бутунлиги.

147. Нишабли томнинг инструментал ўрганишда қуйидагилар текширилиши керак:

том нишабининг лойиҳага мослиги;

бажарилган тугунлар ўлчамларининг лойиҳаларга мувофиқлиги.

148. Турғун зоналар аниқланганда, уларнинг даражаси (чуқурлиги) ўлчами камида 2000x20x50 mm бўлган ёғоч ёки металл (алюмин) рейка ва ГОСТ 8.113-85 бўйича чизғичдан фойдаланиб, инструментал усул билан аниқланиши лозим.

5-§. Ускуна ва қувурларнинг изоляцияловчи қопламалари

149. Ускуна ва қувурларнинг изоляцияловчи қопламаларини ўрнатиш бўйича ишларни бошлашдан олдин қуйидаги тайёргарлик тадбирлари бажарилиши керак:

ускуна ва қувурларга лойиҳага асосан штуцерлар ва асбоблар ўйиб ўрнатилган, иссиқликдан изоляцияни маҳкамлаш учун деталлар лойиҳа ҳолатида ўрнатилган ва ишончли қилиб маҳкамлаш;

изоляцияланадиган объектлар юзасини зангдан ва чангдан тозалаш;

юзага коррозияга қарши қопламани қоплаш;

иссиқлик таъминоти тизимлари каналларини тупроқ, кордан тозалаш;

грунтни траншеяларга ўпирилиб тушиш имкониятини истисно қилувчи грунтни мустаҳкамлаш.

150. Ускуна ва қувурларнинг изоляцияловчи қопламаларини ўрнатиш бўйича ишлар, улар доимий маҳкамланганидан кейин амалга оширилиши лозим.

151. Изоляция қилишда қувурлар, ускуна ва маҳкамловчи элементларнинг металл юзалари зангдан тозаланиши, коррозиядан ҳимояланганда эса ҚР 04.01-23 га асосан ишлов берилиши керак.

152. Ускуна ва қувурларни иссиқдан изоляциялаш, улар лойиҳа ҳолатида ўрнатилган ва маҳкамлангандан кейин изоляциялаш учун қийин бўлган жойларда монтаж қилишдан олдин бажарилиши зарур.

153. Ўтиб бўлмайдиган каналлар ва лотокларда жойлашган қувурларни иссиқдан изоляциялаш уларни ўрнатишдан олдин бажарилиши лозим.

154. Ускуна ва қувурларни иссиқдан изоляциялаш технологик моддалар ва агрегатларсиз бўлган ҳолатда амалга оширилиши керак.

155. Иссиқдан изоляциялаш ва қоплама қатламларини ўрнатиш (монтаж қилиш) тушириш ускуналари, фланцли бирикишлар, эгри чизиқли қисмлардан амалга оширилиши лозим.

156. Иссиқдан изоляция ўрнатишни нишабга қарама-қарши йўналишда, вертикал юзаларда эса пастдан тепага бажарилиши керак.

157. Қуруқ қилиб ўрнатиладиган қаттиқ материаллардан иссиқлик изоляцияси ўрнатишда маҳсулот ва изоляция қилинган сирти орасидаги тирқиш 2 mm дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

158. Зичланувчан иссиқлик изоляцияловчи материалларни қўллаб иссиқлик изоляциясини ўрнатишда зичлик коэффициентини техник йўриқномасига мувофиқ бажарилиши керак.

159. Қувурларнинг иссиқлик изоляциясини ўрнатишда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

маҳсулотларнинг изоляцияланган юзага ва ўзаро зич жипслашиши;

бир неча қатламда изоляциялашда узунасига ва кўндаланг чокларни ёпиш;

қувур ўқига перпендикуляр бўлган сиртга нисбатан минимал оғиш билан симлар ва чилвирлар ёрдамида изоляцияни зич спирал ётқизишни ва кўп қатламли конструкцияларда ҳар бир кейинги қатламни аввалги қатлам ўрамларига қарама-қарши йўналишда ўраш;

горизонтал қувурлар ва аппаратларда иссиқлик изоляциясининг осилиб қолишини олдини олиш учун маҳкамлагичлар ўрнатиш.

160. Плиталардан иссиқлик изоляциясини ўрнатишда иситгичлар асосига зич қилиб ётқизилиши ва ҳар бир қатламда бир хил қалинликка эга бўлиши лозим.

Бир неча қатламли иссиқлик изоляцияларини ўрнатишда плиталар чокларини тарқоқ қилиб лойиҳалаш керак.

161. Изоляцияланган юзаларга қаттиқ қолипланган иссиқлик изоляцияловчи маҳсулотлар ва ўрамли (рулонли) иссиқлик изоляцияловчи материалларни ётқизишда ҳар бир қатламда ҳамда қатламлар орасида чокларни боғлаш лозим.

162. Қувурларда қаттиқ қолипланган маҳсулотларни 200 — 250 mm дан ортиқ бўлмаган масофада жойлаштирилган, диаметри 1,2 — 2,0 mm рухланган симдан тайёрланган иккитадан кам бўлмаган ҳалқа билан маҳкамлаш зарур.

163. Симлар учлари маҳсулотлар маҳкамлангандан кейин изоляция қатламига кўмилиши керак.

164. Катта ўлчамдаги ясси ва эгри чизиқли юзаларга ётқизиладиган қаттиқ қолипланган маҳсулотлар лойиҳа ва ишчи ҳужжатлар талабларига мувофиқ симли ҳалқалар ёки каркас билан маҳкамланиши лозим.

165. Ўрамли (рулонли) иссиқлик изоляцияловчи материаллардан бажарилган изоляция ҳар бир қатламининг ташқи юзаси текисланиши, изоляция эса қувурларга ҳар 100 — 150 mm да жойлаштириладиган симли ҳалқалар ёки бандажлар билан маҳкамланиши керак.

166. Ускунада ўрамли (рулонли) иссиқлик изоляцияловчи материалларни маҳкамлашда маҳкамлаш ҳалқалари ва бандажлар 200 mm масофада ўрнатилиши лозим.

167. Горизонтал қувурларнинг ҳимоя қопламаларидаги ҳарорат чокларини компенсаторлар, таянчлар ва бурилишлар олдида, вертикал қувурларда эса таянч конструкциялар ўрнатилган жойларда бўлиши керак.

168. Қаттиқ шаклланган маҳсулотлар билан изоляциялашда ҳарорат чоклари ўрнатилган жойларда толали материаллардан ўрнатмалар бўлиши лозим.

169. Қоплама қатламини ўрнатиш бўйича ишларни амалга оширишда маҳкамлаш маҳсулотлари ёрдамида маҳкамлаш ва бирикувларни зичлаш билан унинг иссиқлик изоляцияловчи қатлам материалига зич туташишини таъминлаш зарур.

170. Ўрамли (рулонли) материаллардан қоплама қобиқларни ўрнатиш учун тайёрланган юза қуруқ, текис ва тоза бўлиши керак.

171. Ўрамли (рулонли) материалларни ёпиштиришдан олдин ётқизиш жойлари бўйича белгилаб олиш лозим.

Ўрамли (рулонли) материаллар матоларни тақсимлаш ва ёпиштиришда улар чеккаларининг бир-бирини устига чиқиш кўрсаткичларига риоя қилишни таъминлаши зарур.

Иш бошлашдан аввал ўрамли (рулонли) материалларни ёзиш, ҳимоя чангидан тозалаш ва йиртилган жойлар йўқлигини текшириш лозим.

172. Қоплама қатламларининг ўрамли (рулонли) материаллари бўйлама ва кўндаланг чоклар бўйича 50 mm дан кам бўлмаган чеккаларининг бир-бирини устига чиқиши билан ётқизилиши, бунда қопламани маҳкамлаш 300 — 600 mm қадамли бандажлар ёрдамида амалга оширилиши керак.

173. Қоплама қатлами листларининг бўйлама ва кўндаланг чоклар бўйича бирикиши ўз-ўзини кесувчи винтлар ёки парчин михлар билан амалга оширилиши лозим.

174. Зичланувчи иссиқлик изоляцияловчи матлардан тайёрланган қувурлар изоляциясида металл қопламаларни (кожух) ҳар бир кўндаланг чок ҳамда бирикмали (фланц) бирикишлар ва шохобчалар олдида жойлаштирилган таянч ҳалқалар бўйича ўрнатилиши керак.

Сиғимлар, қутилар, тутун қувурларида ишлатиладиган металлдан қоплама қатлами ҳар 1,5 — 2 m масофада объект баландлиги бўйича изоляция қилинаётган юзага пайвандланган тушириш қурилмаларига маҳкамланиши лозим.

175. Металл қопламалар (кожух) изоляция юзасига зич ўрнашиши керак.

176. Қопламалар (кожух) ичига намлик тушишини олдини олиш учун уларни нишаб томонга зиглар қирраларига жойлаштириб ўрнатилиши лозим.

177. Тайёр изоляцияловчи қопламалар сифати кўз билан (визуал) кўрик билан текширилиши, бунда изоляцияловчи қоплама текис юзага эга бўлиши ва изоляцияланаётган юзага зич туташиши лозим.

Механик шикастланишлар, қатламларнинг осилиб қолиши ва асос билан зич бўлмаган туташишга йўл қўйилмайди.

178. Ишларни қабул қилишда изоляцияловчи материаллар қатламларининг узлуксизлигини, қувурлар, ускуналар ва конструкциялар деталлари маҳкамлагичларининг ўтиш жойларини пардозлаш сифати назорат қилиниши лозим.

6-боб. Пардозлаш ишлари

1-§. Умумий талаблар

179. Хоналардаги пардозлаш ишлари атроф-муҳит ва пардозланаётган сиртларнинг 5 °С дан 30 °С гача ҳароратида, ҳавонинг 60 фоиздан кўп бўлмаган нисбий намлигида амалга оширилиши лозим.

Хонадаги ушбу ҳарорат-намлик режими ишнинг бутун даври мобайнида сутка давомида ва иш бошланишидан камида 2 d (сутка) олдин ва иш тугаганидан 12 d (сутка) кейин сақланиши керак.

180. Гулқоғоз ёпиштириш ишларини амалга оширишда ушбу ҳарорат-намлик режими объектни фойдаланишга топширилгунга қадар сақланиши лозим.

181. Қурилиш қоришмаларидан фойдаланиб фасадни пардозлаш ишлари, агар лойиҳа билан бошқаси инобатга олинмаган бўлса, 5 °С дан 30 °С гача бўлган атроф-муҳитнинг ўртача суткалик ҳарорати ва асоснинг ҳароратида амалга оширилиши зарур.

Пардозлаш ишлари бошланишидан олдин 2 d (сутка) ва улар тугагандан кейин камида 7 d (сутка) мобайнида атроф-муҳитнинг ўртача кунлик ҳароратини белгиланган диапазонда сақлаб туришни таъминлаш керак.

182. Минус 10°С дан паст бўлмаган ҳароратда органик эритувчиларга асосланган бўёқлардан фойдаланиб бўяш ишларини бажаришга йўл қўйилади.

183. Пардозлаш ишларини бошлашдан аввал қуйидаги ишлар бажарилиши ва қабул қилиниши лозим:

қурилиш конструкцияларини ўрнатиш (монтаж) бўйича ишлар тўлиқ тугалланиши;

санитария-техника коммуникациялар ўрнатилиши ва сув босимида текширилган бўлиши;

яширин электротехника тармоқларининг монтаж қилиниши ва синовдан ўтказилиши;

гидроизоляцияловчи, иссиқлик изоляцияловчи қатламларнинг ўрнатилиши, шунингдек ораёпмаларнинг текисловчи қатлами (стяжкаси) бажарилган бўлиши;

блоклар ва панеллар орасида чоклар беркитилган бўлиши;

дераза, эшик ва балкон блокларининг бир-бирига бириктирилган жойлари беркитилган ва изоляцияланган бўлиши;

ромларга ойналар қўйилиши;

ўрнатилган маҳсулотлар монтаж қилинган бўлиши.

184. Фасадни пардозлаш ишларини бошлашдан олдин қўшимча қуйидаги ишлар бажарилиши ва қабул қилиниши керак:

ташқи гидроизоляциянинг ўрнатилиши;

деталлар ва туташишлар билан том қопламанинг бажарилиши;

балконларда пол конструкцияларининг ўрнатилиши;

лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ барча маҳкамлаш элементларининг (сув оқиб тушадиган қувурлар, декоратив элементлар) ўрнатилиши.

185. Қурилиш асосининг мустаҳкамлиги пардозлаш қопламаси мустаҳкамлигидан кам бўлмаслиги ва лойиҳа ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

186. Ҳар бир кейинги қатламни ётқизишдан аввал ишлов берилаётган қатламни чангдан тозалаш, зарур бўлганда асосга унинг сингдириш қобилиятини пасайтириш ёки текислаш учун грунтловчи таркиб билан ишлов бериш керак.

187. Асоснинг дастлабки ишловини сувда эрувчан полимерлар асосидаги грунтловчи таркиб ёрдамида амалга оширилиши лозим.

Асосга ишлов бериш учун грунтлаш турлари қуйидаги 4-жадвалда келтирилган талабларга мувофиқ танланиши керак.

4-жадвал

Грунтловчи таркибнинг тури	**Вазифаси**	**Қўллаш соҳаси**
ГС 1	Асоснинг сингдириш қобилиятини пасайтириш	Кучли сингдирувчи (гигроскопик) асосларга ишлов бериш учун
ГС 2	Асоснинг сингдириш қобилиятини текислаш	Турли материаллардан бажарилган асосларга ишлов бериш учун
ГСЗ	Кучсиз асосларни мустаҳкамлаш	Тўкилувчан ва майдаланувчан асосларга ишлов бериш учун
ГС 4	Силлиқ сингдирувчи бўлмаган асосларни тайёрлаш	Монолит ёки йиғма темир-бетондан қилинган асосларга ишлов бериш учун, сиртни ғадир-будур қилиш учун грунтловчи таркибга минерал тўлдирувчилар киритилади
ГС 5	Асос ва қоплама орасида ажратувчи қатламни ҳосил қилиш	Қоплама материалга нисбатан паст адгезияга эга асосларга ишлов бериш, ёки бир-бирига тўғри келмайдиган материаллар орасида ҳимоя қатламини яратиш учун қўлланилади
ГС 6	Коррозиянинг олдини олиш	Таъмирлаш ишларини амалга оширишда бетон ва арматурага ишлов бериш учун қўлланилади, шунингдек бинолар фасадларида металл элементларга ўрнатма деталларга ишлов бериш учун тўғри келади

ГС 7	Сиртни бўяш ёки декоратив пардозлаш учун тайёрлаш	Бўяш ёки декоратив пардозлашдан олдин асосга ишлов бериш учун қўлланилади, қоплама материалидан уни эритиш йўли билан тайёрланиши мумкин
ГС 8	Махсус мақсадлар учун мўлжалланган грунтловчи таркиблар	Пардозловчи ёки изоляцияловчи қопламалар тизими таркибига киради, ишлаб чиқарувчининг йўриқномасига асосан қўлланилади

188. Грунтловчи таркибларни валик ёки чўтка ёрдамида суртиш лозим.

Бунда, кичик механизация воситалари ёрдамида суртишга йўл қўйилади.

189. Гипсокартон ва гипс толали варақларни (листларни) қўллаб ишларни амалга оширишда лойиҳа ва ишчи ҳужжатлари, шунингдек ишлаб чиқарувчининг йўриқномалари ҳисобга олиниши керак.

190. Қурилиш конструкцияларини коррозиядан ҳимоялаш бўйича бажариладиган ишлар ҚМҚ 2.03.11-96 га асосан амалга оширилиши керак.

2-§. Сувоқ ишларини амалга ошириш

191. Сувоқ ишларини амалга оширишни бошлашдан олдин асоснинг ушбу ШНҚнинг 5-жадвали талабларига мувофиқлигини текшириш лозим.

Агар асосда камчиликлар мавжудлиги аниқланса, унда уларни бартараф этиш чоралари кўрилиши керак.

5-жадвал

Назорат қилинувчи параметр	**Таъриф**	**Назорат (усул, ҳажм, йўл қўйиладиган четланиш)**	**Камчиликларни бартараф этиш чоралари**
1	2	3	4
Юзада бегона моддалар ва аралашмаларнинг мавжудлиги	Қуйидагилар мавжудлиги ўрганилиши лозим: асос юзасида бегона моддалар (ифлосликлар, қоришма томчилари, қолипдан қолган ёғоч қолдиқлари, қурум); юзадаги оҳакли туз қатламлари	Узлуксиз кўз билан (визуал) текшириш, бегона моддалар ва аралашмаларнинг бўлишига йўл қўйилмайди	Механик усул билан олиб ташлаш ёки ғадир-будур қилиш (металл чўтка, қирғич ёки қум пурковчи ускуна орқали)
Асоснинг чангланганлиги	Юза бўйича қўл билан юргизилади ҳамда чанг ва ифлосликнинг мавжудлиги аниқланади	Узлуксиз кўз билан (визуал) текшириш, чанг ва ифлосликнинг бўлишига йўл қўйилмайди	Чанг ва ифлослик олиб ташланади
Асос юзасининг мустаҳкамлиги	Асос бўйлаб металл жиҳознинг (шпател) ўткир қирраси билан юритилади, бунда кўчиб тушиш, тўкилиш қайд қилинади. Қатламлаб кўчиш уриб кўриш усули билан аниқланади	Инструментал, юзанинг ҳар бир 100 m^2 га камида беш марта ўлчаш, тўкилишга йўл қўйилмайди	Қатламлаб кўчаётган қисмларни олиб ташлаш лозим. Бўш асослар мустаҳкам қатламгача тозаланади ёки ГС 3 грунтловчи таркиб суртилади

Асоснинг сингдириш қобилияти	Ҳўлланган чўтка ёки валик билан тоза сув суртилади, агар 2 min дан кейин девордан ҳали ҳам сув оқса ёки асос ранги ўзгармаса, қуйидагилар бунинг сабаби бўлиши мумкин: асосда қолип смазкаси қолдиқлари; асос намлигининг йўл қўйиладиган қийматларидан ошиб кетиши; юза гиброфоблигини оширадиган моддалар; асоснинг юмшоқ ва қатламлаб кўчадиган қисмлар	Кўз билан (визуал) юзанинг ҳар бир 100 m^2 га камида уч марта ўлчаш лозим	Смазка билан ифлосланган юзани тозаловчи воситалар қўшиб, сув ва чўтка билан тозаланади, шунингдек механик тозалаш ҳам мумкин
Асос намлиги	Асос устки қатламининг қолдиқ намлиги (20 — 30 mm) нам ўлчагич билан ўлчанади	Инструментал, юзанинг ҳар бир 100 m^2 га камида уч марта ўлчаш, асос намлиги масса бўйича 5 фоиздан ортиқ эмас	ёзги даврда камида тўрт ҳафта технологик тўхташни, қишки даврда — қолипни ажратгандан сўнг 0 °С дан 5 °С гача ҳароратда камида 69 кун ушлаб туриш
Асос ҳарорати	Ўлчашлар контакт термометри билан ўтказилади	Инструментал, юзанинг ҳар бир 100 m^2 га камида уч марта ўлчаш, асос ҳарорати — 5 °С дан 30 °С гача	Иситиш ёки тўғридан-тўғри қуёш нурларидан ҳимоя қилиш лозим

192. Сувоқ қоришмасини ишлатишдан олдин асоснинг тури ва қўлланиладиган сувоқ материалларига асос тайёрланиши лозим.

193. Керамика ғишт, газ ёки ғовак блоклардан намни кучли сингдирувчи асосларга мазкур ШНҚнинг 4-жадвали бўйича ГС 1 грунтловчи таркиб билан уни девор юзасига бўёқ чўткалари ёки пуркагич ёрдамида суртиб, ишлов бериш керак.

Пастки қатлам қуримасдан сувоқ ишларини бошлашга йўл қўйилмайди.

Грунтловчи қатлам суртилгандан кейин грунтловчи қатлам қуригунча асосни чанг тушишдан ҳимоя қилиш керак.

194. Қурилиш ишларни бошлашдан олдин асоснинг сингдириш қобилияти қайтадан аниқланиши, бунда 2 min мобайнида юза ранги бутун қисмида тўқ рангдан очга бир текисда ўзгариши лозим.

Алоҳида қисмлар намликни тезроқ сингдирса, асос юзасининг сингдириш қобилиятини бир текисга келтириш мақсадида, бундай қисмларга мазкур ШНҚнинг 4-жадвали бўйича ГС 2 грунтловчи таркиб билан қўшимча ишлов бериш керак.

195. Нам сингдирмайдиган, зич ва бетон асосларга гипс ёки оҳак-гипс сувоқ ишлатилганда, мазкур ШНҚнинг 4-жадвали бўйича ГС 4 грунтловчи таркиб билан ишлов бериш зарур. Цемент ва оҳак-цемент сувоқ ишлатилганда, минерал грунтлаш ёки пуркашдан фойдаланиш лозим.

Пуркашдан фойдаланилганда, сувоқ ишларини у юритилгандан 24 h ўтиб бошлаш керак. Бунда, мазкур ШНҚнинг 4-жадвали бўйича ГС 4 грунтловчи таркибдан фойдаланилганда, кейинги ишларни пастки қатлам қуригандан кейингина амалга оширишга йўл қўйилиши лозим.

196. Кўп қатламли сувоқ қопламасини ўрнатишда ҳар бир қатлам аввалгиси қотганидан кейин қопланиши зарур.

Ишларнинг тури, сувоқ қоришмаси, деворнинг нотекислиги ва қатлам қалинлигини ҳисобга олган ҳолда сувоқ танланиши ва деворга маҳкамланиши керак.

Сувоқ тўри ва уни маҳкамлаш усулини танлаш мазкур ШНҚнинг 55-жадвали талабларига мувофиқ амалга оширилиши зарур.

Сувоқ тўрларининг барча турлари бир-бирининг устига камида 100 mm га чиқарилиб (бириктириб ўрнатиладиган сувоқ тўрлари бундан мустасно) ўрнатилиши лозим.

197. Гипс асосидаги қоришмалар билан ички сувоқ ишларини бажаришда сувоқ тўридан фойдаланмасдан ишларни амалга оширишга йўл қўйилади.

Гипс асосидаги сувоқ қоришмалари бир қатлам қилиб сувалиши керак.

Шифтларни 20 mm дан ортиқ қатлам билан сувашда рухланган арматураланган сувоқ учун мўлжалланган тўрни ўрнатиш лозим.

198. Сувоқ қоришмаларини конструкция элементлари бўлган пўлат деталларга бевосита қоплашга йўл қўйилмайди.

Пўлат деталлар (таянчлар ёки тутиб турувчи балкалар) сувоқ суртилиши керак бўлган конструкцияга бирлаштирилган бўлса, уларни коррозияга қарши қоплама ёки мазкур ШНҚнинг 4-жадвали бўйича ГС 6 грунтлаш таркиби ёрдамида коррозиядан ҳимоялаш керак.

Пўлат деталларни сувоқ остига асос сифатида металл сувоқ учун мўлжалланган тўр билан ёпилиши лозим.

9-жадвал

Сувоқ тўрларининг турлари	**Қўллаш соҳаси**	**Ўрнатиш (монтаж) тартиби**
ГОСТ 3826 бўйича тўқима металл тўр	Фасад пардозлаш ишларини бажаришда 300 mm гача юпқа қатламли сувоқлар	Деворга тўрни маҳкамлашдан олдин уни ёғсизлантириш, металл тўрни ўрнатиш (монтаж) панелнинг юқори четини бутун узунлиги бўйича маҳкамловчи элементлар ёрдамида маҳкамлаб, шифтдан бошланади, деворнинг бутун юзаси бўйлаб шахмат тартибда маҳкамлагич ўрнатилади. Бирикувларда матолар чеккалари 80 — 100 mm га устма-уст чиқиш билан бир-бирини ёпиши керак. Тўр ва девор орасида сувоқ қоришмаси қатламининг қалинлигига кўра 5 — 10 mm ли ёриқ бўлишини таъминлаш зарур.
ГОСТ 5336 бўйича пўлат тўқилган тўр (рабица)	Қатлам қалинлиги 50 mm дан ошмаганда, майдони 100 m^2 дан кўп бўлган деворларда фасад сувоқ ишларини бажариш учун	
ГОСТ 23279 бўйича арматурали пайвандланган тўр	Қатлам қалинлиги 50 mm дан ошмаганда, киришишга мойил юзалардаги (янги қурилишлар, ҳаракатчан грунтда турган бинолар) фасад сувоқ ишларида	
Норматив ҳужжатлар, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ёки ишлаб чиқарувчининг техник шартларга мувофиқ яхлит металл чўзилувчан тўр	Юпқа қатламли сувоқлар қатлам қалинлиги 50 mm дан ошмаганда, ҳар қандай майдонли деворларда фасад сувоқ ишларини бажаришда	

199. Сувоқ тўрлари, шиша ва арматураловчи ленталарни қўллаш ва ўрнатиш (монтаж) тартиби лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

200. Юза текислигини таъминлаш учун тайёрланган асосга қуйидаги кетма-кетликда сувоқ маёқлари (юқори сифатли ва яхшиланган сувоқ учун) ўрнатилиши лозим:

сувоқ маёқларини вертикал ҳолатга олиб чиқиш (профиль ҳолатининг назорати қурилиш сатҳи даражаси ёрдамида амалга оширилади);

даражага олиб чиқилгандан сўнг профиль маҳкамлаш;

даражага олиб чиқилгандан сўнг профиль маҳкамлаш усули билан қарама-қарши томондан сувоқ маёқ ўрнатиш;

қолган йўналтиргичлар иккита сувоқ маёқлар билан ҳосил қилинган юзада фойдаланиш усулига кўра, томонлардан 10 cm дан кам бўлмаган қадам билан.

Ишлар цемент ва оҳак-цемент боғловчидаги сувоқ қоришмалар билан бажарилганда, гипс материаллар билан маёқни маҳкамлашга (фиксация) йўл қўйилмайди.

201. Қўшимча ишлар лойиҳада инобатга олинмаган бўлса, сувоқ ишлари тугатилганидан кейин маёқларни олиб ташлаш ва юза яхлитлигини худди ўша сувоқ қоришмаси билан тикланиши лозим.

202. Сувоқ ишларини амалга оширишда ГОСТ 31377-2008 бўйича қуруқ қурилиш сувоқ аралашмаларидан фойдаланиш зарур.

203. Сувоқ ишларини бажариш сифати ушбу ШНҚнинг 10-жадвалида келтирилган талабларга мувофиқ баҳоланиши керак.

Юза сифатининг тоифаси лойиҳа билан белгиланиши ҳамда мазкур ШНҚнинг 11-жадвалига мувофиқ баҳоланиши лозим.

К3 ва К4 юза сифати тоифалари фақат юқори сифатли сувоқ учун ўрнатилиши керак.

204. Ганчкорлик маҳсулотларини ўрнатиш сувоқ қоришмасининг қотиши ва қуришидан кейин бажарилиши лозим.

Бинолар фасадларидаги ўрнатма деталларга архитектура-безак элементларини ўрнатишдан олдин коррозияга қарши таркиблар билан уларга ишлов бериш зарур.

205. Безак пардозлаш ишлари сувда эрийдиган полимерлар асосидаги декоратив қуруқ қурилиш, сувоқ аралашмалари ва ишлатишга тайёр декоратив таркиблар ёрдамида улар учун белгиланган техник тавсифларга мувофиқ бажарилиши керак.

10-жадвал

Назорат қилинадиган параметр	**Чегаравий оғиш**	**Назорат (усул, ҳажм, рўйхатга олиш тури)**
1	2	3
Оддий сувоқ		
Вертикалдан оғиши	1 m баландликка 3 mm гача, бироқ хонанинг бутун баландлигига 10 mm гача	Ўлчаш, икки метрли рейка ёрдамида назорат, ҳар 70 m^2 майдонни камида беш марта ўлчаш, натижани ишлар журналига киритиш
Горизонтал бўйича оғиш	1 m баландликка 3 mm дан ортиқ эмас	
Силлиқ контурли юза нотекисликлари	4 m^2 майдонда 1 m баландликка 3 mm гача, бироқ бутун элементга 10 mm гача	Ўлчаш, лекало ёрдамида элементни камида уч марта ўлчаш, натижани ишлар журналига киритиш
Дераза ва эшик қиялама тиргаклари, пилястралар, устунларнинг вертикал ва горизонталдан оғиши	1 m баландликка 4 mm гача, бутун элементга 10 mm гача	Ўлчаш, икки метрли рейка ёрдамида назорат, ҳар 70 m^2 майдонни камида беш марта ўлчаш, натижани ишлар журналига киритиш
Эгри чизиқли юзалар радиусининг лойиҳавий қийматдан оғиши	Бутун элементга 10 mm гача	

қиялама тиргак кенглигининг лойиҳавийдан оғиши Отклонение ширины откоса от проектной	5 mm гача	
1	2	3
Яхшиланган суваш		
Вертикалдан оғиши	1 m баландликка 2 mm гача, хонанинг бутун баландлигига 10 mm гача	Ўлчаш, икки метрли рейка ёрдамида назорат қилиш, ҳар 50 m^2 майдонни камида бешта ўлчаш, натижани ишлар журналига киритиш
Горизонтал бўйича оғиш	1 m га 3 mm гача	Ўлчаш, икки метрли рейка ёрдамида назорат қилиш, ҳар 50 m^2 майдонни камида беш марта ўлчаш, натижани ишлар журналига киритиш
Силлиқ контурли юза нотекисликлари	2 дона, чуқурлиги (баландлиги) 3 mm гача	Ўлчаш, лекало билан, элементни камида уч марта ўлчаш, натижани ишлар журналига киритиш
Дераза ва эшик откослари, пилястралар, устунлар ва ҳоказоларнинг вертикал ва горизонталдан оғиши	4 m^2 майдонда 1 m баландликка 4 mm гача, бутун элементга 10 mm гача	Ўлчаш, икки метрли рейка ёрдамида назорат, ҳар 50 m^2 майдонни камида беш марта ўлчаш, натижани ишлар журналига киритиш
Эгри чизиқли юзалар радиусининг лойиҳавий қийматдан оғиши	Бутун элемент учун 7 mm гача	
Откос кенглигининг лойиҳавийдан оғиши	3 mm гача	
Юқори сифатли сувоқ		
Вертикалдан оғиши	1 m баландликка 0,5 mm гача, хонанинг бутун баландлигига 5 mm гача	Ўлчаш, икки метрли рейка ёрдамида билан назорат, ҳар 50 m^2 майдонни камида беш марта ўлчаш, натижани ишлар журналига киритиш
Горизонтал бўйича оғиш	1 m га 1 mm гача	
Силлиқ контурли юза нотекисликлари	2 дона, чуқурлиги (баландлиги) 1mm гача	Ўлчаш, лекало ёрдамида элементга камида уч марта ўлчаш, натижани ишлар журналига киритиш
Дераза ва эшик откослари, пилястралар, устунлар ва бошқаларнинг вертикалдан ва горизонталдан оғиши	4 m^2 майдонда 1 m баландликка 2 mm гача, бутун элементга 5 mm гача	Ўлчаш, икки метрли рейка ёрдамида назорат қилиш, ҳар 50 m^2 майдонни камида бешта ўлчаш, натижани ишлар журналига киритиш
Эгри чизиқли юзалар радиусининг лойиҳавий қийматдан оғиши	Бутун элементга 4 mm гача	

Откос кенглигининг лойиҳавийдан оғиши	2 mm гача	

3-§. Шпаклёвка ишларини бажариш

206. Асосда камчиликлар топилса, уларни бартараф этиш чораларини кўриш, шунингдек асосга шпаклёвка қопламасини ётқизиш вақтидан то тўлиқ қуригунча қуёш нурларининг тўғридан-тўғри тушишидан ҳимоялаш керак.

207. Шпаклёвкани 5°С дан 30°С гача ҳароратга эга бўлган қурилиш асосларига суртишга йўл қўйилади.

208. Минерал шпаклёвка қоришмалари ишлаб чиқарувчининг йўриқномасига асосан ва ГОСТ 31357-2007 бўйича заводда ишлаб чиқарилган қуруқ қурилиш аралашмаларидан тайёрланиши лозим.

209. Ишлатиш учун тайёр шпаклёвка таркиблари ишлаб чиқарувчининг техник талабларига асосан қўлланилиши керак.

210. Шпаклёвка таркиб (қоришмаси)ни суртишдан олдин асос тоза, қуруқ ва мустаҳкамлигига ишонч ҳосил қилиниши зарур.

Шпаклёвка таркиб (қоришма)лари шпатель билан суртилиши, бунда аввал чуқурликлар, ёриқлар ва нотекисликлар тўлдирилиши ҳамда асосий қатламга суртилиши ва пўлат шпатель билан текисланиши зарур.

Асосга суртилган шпаклёвка қоришмалари қотгандан кейин асосда силлиқлаш ишлари бажарилиши лозим.

211. ГОСТ 31377-2008 бўйича гипс сувоқларини қўллашда шпаклёвка ишларини янги гипс сувоқ юзасига қирғич ва ҳўлланган губка билан ишлов беришдан ҳосил бўладиган гипс қоришмасидан бажаришга йўл қўйилади.

212. Сувоқ ва (ёки) шпаклёвка пардозлаш ишларини бажаргандан кейин, олинган юзанинг сифати лойиҳада белгиланган ва қуйидаги 11-жадвалда келтирилган талабларга мувофиқ бўлиши лозим.

11-жадвал

Юза сифати тоифаси	**Вазифаси**	**Талаблар (назорат усуллари)**
1	2	3
К1	Декоратив хоссаларига талаб қўйилмайдиган юзалар (юзалар устида турли типдаги плиткалар ва листли материаллар билан пардозлаш ишларини бажариш учун мўлжалланган)	Чуқурлиги 3 mm дан ошмайдиган қирилишлар, бўшлиқлар, чандиқлар, асбоб изларининг борлигига йўл қўйилади (яхлит визуал назорат). Ён чироқлардан соялар тушишига йўл қўйилади (назорат ўтказилмайди)
К2	Декоратив хоссаларига одатий талаблар қўйиладиган юзалар (юзаларни 900 cm^2 дан кам бўлмаган элементлар билан пардозлаш, 1 mm дан ортиқ донадор ўлчамли декоратив сувоқлар билан суваш, таркибланган бўёқ ва қопламаларни ётқизиш, оғир гул қоғозларни ёпиштириш учун мўлжалланган)	Чуқурлиги 1 mm дан ошмайдиган қирилишлар, бўшлиқлар, чандиқлар бўлишига йўл қўйилади (яхлит визуал кўрик). Ён чироқлардан соялар тушишига йўл қўйилади (назорат юза сифатини К3 тоифасигача етказиш зарурати бўлганда ўтказилади)

1	2	3
К3	Декоратив хоссаларига юқори талаблар қўйиладиган юзалар (юзалар майда донадор ва шаффоф элементлар билан пардозлаш ишларини бажариш, 1mm дан кам дона ўлчамли декоратив сувоқлар билан суваш, таркибланмаган жилосиз бўёқлар ва қопламаларни юритиш, қоғоз ва флизелин асосдаги гул қоғозларни ёпиштириш учун мўлжалланган)	Чуқурлиги 0,3 mm дан ошмайдиган, юзани шлифовка қилиш (силлиқлаш)да қўлланиладиган абразив изларининг бўлишига йўл қўйилади (яхлит визуал назорат). Ён чироқлардан соялар тушишига йўл қўйилади, лекин улар К2 тоифали юза сифатига нисбатан анча кам бўлиши лозим (назорат зарурат бўлганда ўтказилади)
К4	Декоратив хоссаларига максимал талаблар қўйиладиган юзалар (юзалар жилоли (глянцевый) пардозлашни бажариш, масалан металл ёки винил гул қоғозлар, жилоли бўёқлар, глазурь ёки қопламаларни қоплаш, полимер, юпқа қатламли, венеция сувоғи ёки бошқа турдаги юқори сифатли жило бериш, юзани юпқа қатламли ярим жилосиз ёки жилоли қопламалар билан ҳавосиз чанглатиш аппаратларини қўллаб бўяш, ўта ингичка металлаштирилган гул қоғозларни (жилоли фото гулқоғозларини) ёпиштириш учун мўлжалланган). Ён томон ёритишни ўрнатишда тавсия этилади	Қирилишлар, бўшлиқлар, чандиқлар, асбоб изларининг бўлишига йўл қўйилмайди (яхлит визуал назорат). Ён чироқлардан соялар тушишига йўл қўйилмайди (ён томон қўл чироғи ёрдамида яхлит визуал баҳолаш)

4-§. Пардозлаш ишларини амалга ошириш

213. Юзаларни пардозлашни лойиҳа топшириғи ва ишчи ҳужжатлар талабларига мувофиқ бажариш лозим.

214. Хоналарнинг интерьер деворлари, устунлари, пилястраларини пардозлаш ишларини пол қопламасини ўрнатишдан олдин бажариш керак.

215. Пардозлаш плиталарини елимли қатлам бўйича маҳкамлаш учун ишлатиладиган материаллар қуйидагиларга мувофиқ келиши лозим:

цемент боғловчидаги плита елимларга;

ишлаб чиқарувчининг техник шартларига (суртма (мастика)лар ва дисперс елимлар учун).

Фасадларни пардозлаш учун цемент асосидаги қоришмаларни қўллашда С1 синфдан пастроқ плиткали елим аралашмалардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Биринчи қаватдан юқорида елимли қатлам бўйича қопламани ўрнатишда С2 синфдан паст плиткали елим аралашмалардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Сувда эрийдиган полимерлар дисперсияларини қўшиб цемент қоришмаларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

216. Юза тоифасига талаблар пардозлашнинг донадор элементлари ўлчамидан келиб чиқиб ўрнатилиши керак.

Елимли қатлам бўйича қопламани ўрнатиш ушбу ШНҚнинг 11-жадвали бўйича К2 ва К3 синфдаги юза сифатига эга асосларда ҳисобга олиниши лозим.

217. Табиий тошдан маҳсулотлар билан елимли қатлам бўйича қопламани ўрнатишда маҳсулотлар юзасидан чангни йўқотиш учун уларни сув билан ювиш ва қуритиш керак.

Сунъий материалларни қўшимча намлантиришга йўл қўйилмайди.

Елимли қоришма ишлатилаётган тош тури билан мос бўлиши лозим.

218. Елимли қоришма деворга бир текисда силлиқ қирғич ёки шпатель билан қопланиши, сўнг тишли шпатель билан текисланиши, бунда тишли шпатель ўлчами девор ва плитка (тош) орасида бўшлиқлар бўлмаслигини таъминлайдиган қилиб пардозлаш материалининг ўлчамидан келиб чиқиб танланиши лозим.

219. Пардозлаш ишларида юзаси 900 cm^2 дан ортиқ бўлган табиий тош ёки сунъий материалдан фойдаланилганда, уни ўрнатишдан олдин ушбу материалнинг орқа томонига ҳам елимли эритма суртилиши керак.

220. Биринчи қаватдан юқорида елимли қатламдаги ёки йирик ўлчамли элементлар, 12 mm дан ортиқ бўлган қалинликдаги табиий тош ва сунъий плиталардан элементларни ишлатиб қопламани ўрнатиш ишларида лойиҳа ва ишчи ҳужжат талабларига мувофиқ қўшимча маҳкамлаш элементлари ўрнатилиши лозим.

221. Турли ранг, фактура, тузилиш ва ўлчамдаги пардозлаш маҳсулотлари билан қисм ва интерьер ҳамда фасаднинг барча юзасини пардозлашни лойиҳа ва ишчи ҳужжатларга мувофиқ пардозлаш майдонининг бутун кўриниши (дизайни)ни танлаб амалга оширилиши керак.

222. Пардозлаш ишларини табиий тошдан тайёрланган плиталар билан, бўшлиқларга қоришма қуйиб бажаришга йўл қўйилади.

Плиталар бундай ҳолда арматура тўрларга ва девор барпо қилинаётганда унга беркитилган зангламайдиган пўлатдан илгакларга (монолит темир-бетон деворлар учун улар барпо қилингандан кейин илгаклар ўрнатишга йўл қўйилади) мустаҳкамланган ишчи стерженларга маҳкамланиши керак.

Илгаклар диаметри 6 mm дан, ишчи стерженларнинг диаметри эса 10 mm дан кам бўлмаган пўлатдан бажарилиши лозим.

223. Қоришмани бўшлиқларга қуйишни пардозлаш майдонининг доимий маҳкамлагичи ўрнатилгандан кейин бажариш керак.

Қоришмани горизонтал қатламлар билан, қоришманинг охирги қатлами қуйилгандан кейин пардозлаш майдонининг тепасигача 50 mm масофа қолдирилиши лозим.

8 h дан ошган технологик танаффусларда бўшлиқларга қуйилган қоришмани нам йўқотишдан ҳимоялаш лозим.

Технологик танаффусдан кейин ишларни давом эттиришдан олдин бўшлиқнинг тўлдирилмаган қисмини сиқилган ҳаво билан чангдан тозаланиши керак.

224. Пардозлашдан кейин плиталар ва маҳсулотлардан бажарилган юзалар қоришма ва суртма (мастика)нинг чўкиндиларидан тозаланиши, бунда сингдирмайдиган материалдан бажарилган юзалар иссиқ сув билан ювилиши, сингдирувчан материаллардан бажарилган юзаларга махсус таркиблар ва буғ билан ишлов берилиши керак.

225. Пардозлаш қопламасининг чоклари текис, бир хил кенгликда бўлиши керак.

Пардозлаш қопламасини ўрнатиш учун материаллар қотишидан ёки полимерлашувидан бир сутка кейин (технологик танаффусни қисқартиришга йўл қўйилади) чоклар махсус чок материаллари билан тўлдирилиши лозим.

Пардозлаш чокларини тўлдириш бўйича ишларни бошлашдан олдин текисловчи таркибнинг пардозлаш қопламаси тоши билан мос бўлиши текширилиши керак.

226. Чок материаллари қотганидан ёки полимерлашувидан кейин сингдирувчи жинсли табиий тошдан (оҳактош, мармар) бажарилган пардозлаш қопламасига гидрофобланувчи таркиб билан ишлов берилиши лозим.

227. Гидрофобланувчи таркиб суртилаётган қатламларининг тури ва сони лойиҳа топшириғи билан белгиланиши керак.

228. Қоришма ва сўртма (мастика)дан елимли қатламнинг қалинлиги техник ҳужжатда материал ишлаб чиқарувчиси ўрнатган техник кўрсаткичдан ошмаслиги керак.

229. Пардозлаш ишларини бажаришда қуйидаги 12-жадвалда келтирилган талаблар инобатга олиниши керак.

12-жадвал

Пардозланган юза	**Параметрлар ва талаб қилинадиган кўрсаткичлар**				
	Вертикалдан оғишлар, mm 1 mm узунликка, камида	**Чоклар жойлашувининг вертикалдан ва горизонталдан оғиши, mm 1 m узунликка, камида**	**Архитектура деталлари ва чоклари бирикувларида профилнинг мос келмаслиги, mm 1m га, камида**	**Пардозлаш сиртининг нотекисиликлари (икки метрли рейка билан назорат қилишда), mm, камида**	**Чок кенглиги оғишлари, mm, камида**
Ойнадай, ялтиратилган	2 (қаватга 4та)	1,5	0,5	2	±0,5
Текисланган, нуқтали, ғадир-будур, эгатсимон	3 (қаватга 8 та)	3	1	4	-
«Қоя» туридаги фактура	-	3	2	-	±2
Гранитдан ва сунъий тошдан	-	-	-	-	±0,5
Мармардан	-	-	-	-	±0,5
Керамика, шиша керамика ва бошқа маҳсулотлардан ташқи пардозлаш	2 (қаватга 5 та)	2	4	3	±0,5
ички пардозлаш	1,5 (қаватга 4 та)	1,5	3	2	±0,5
Назорат (усул, ҳажм, рўйхатга олиш тури)	Ўлчаш, 50 — 70 m^2 юзаларда ёки яхлит кўз билан (визуал) кўрик орқали аниқланган жойлардаги кичикроқ майдонли қисмларда камида бешта ўлчашлар, ишлар журнали		Ўлчаш, 70 — 100 m^2 юзаларда ёки яхлит кўз билан (визуал) кўрик орқали аниқланган жойлардаги кичикроқ майдонли қисмларда камида бешта ўлчашлар, ишлар журнали		

230. I — III даражали ёнғинга чидамлилиги, СО, С1 ёнғин хавфи синфларига тегишли бинолар ташқи деворларининг ташқи юзасини Ё1 — Ё4 ёнувчанлик гуруҳига мансуб бўлган материаллардан қопланишига йўл қўйилмайди.

5-§. Бўёқ ишларини амалга ошириш

231. Бўёқ ишлари ушбу ШНҚнинг 10-жадвали талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Юза тоифасига талаблар мазкур ШНҚнинг 11-жадвалига мувофиқ бажарилиши лозим.

232. Бўёқ ишларини амалга оширишдан олдин юзанинг тўғридан-тўғри қуёш нурлари таъсиридан (таркибнинг қуриб қолишигача) ҳимоялашни таъминлаш керак.

233. Грунт ва бўёқ таркибларини юзаларга суртиш ишлари ишлаб чиқарувчининг техник талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Грунтовка ишлари бўёқ таркиб билан юзани бўяшдан олдин амалга оширилиши, грунтовка ишлари бажарилган юза мустаҳкам, бир жинсли, чангланиш ва тўкилиш белгиларисиз бўлиши лозим.

Бўёқ қатламини қоплаш ишлари мазкур юза қуригандан кейин амалга оширилиши керак.

234. Бўёқли таркиблар яхлит қатлам билан ишларни амалга ошириш бўйича лойиҳа талабларини ҳисобга олган ҳолда суртилиши лозим.

Кейинги қатламни қоплаш ишлари олдинги қатлам қуригандан кейин бажарилиши керак.

Бўёқли таркибни флутинглаш ёки махсус гуллар қоплаш ишлари янги суртилган таркиб бўйича амалга оширилиши лозим. Бундай ишларни бажаришда ҳўл асбоблардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

235. Бўёқ ишларини қабул қилиш яхлит кўз билан (визуал) кўрик орқали мазкур ШНҚнинг 13-жадвалда келтирилган бўялган юзаларга қўйилган талабларни ҳисобга олиб амалга оширилиши лозим.

236. Турли рангларга бўялган юзаларнинг қўшилган жойларида бўяш чизиғининг қийшайишига (оғишга) йўл қўйилмайди.

237. Бажарилган ишлар сифатини аниқлаш учун асосгача бўёқни қисман олиб ташлашга йўл қўйилади.

13-жадвал

Техник талаблар	**Йўл қўйиладиган фарқланишлар**
Сув эмульсияли бўёқлар билан бўялган юзалар	
Ранг бўйича фарқланишлар	Ишлаб чиқарувчи каталоги (палитраси) бўйича битта тон чегарасида
Йўл-йўллар, доғлар, оқиб қолган излар, томчилар	Турар жой ва жамоат хоналари учун йўл қўйилмайди. Ёрдамчи ва техник хоналар учун юзадан 2 m масофада узлуксиз кўз билан (визуал) кўрикда билинмайдиган бўлиши керак
Юзани оқартириш	Йўл қўйилмайди
Умумий фонда ажралиб турадиган тузатишлар	Жамоат ва турар жой объектлари бинолари хоналари учун йўл қўйилмайди. Ёрдамчи ва техник хоналар учун юзадан 2 m масофада узлуксиз кўз билан (визуал) кўрикда билинмайдиган бўлиши керак
Сувсиз таркиблар билан бўялган юзалар	
Йўл-йўллар, доғлар, оқиб қолган излар, томчилар, чўткадан ёки валикдан излар, нотекисликлар	Йўл қўйилмайди
Ранг бўйича фарқланишлар	Ишлаб чиқарувчи каталоги (палитраси) бўйича битта ранг чегарасида
Лок билан бўялган юзалар	
Ёриқлар	Йўл қўйилмайди
Кўриниб турган қалинлашишлар	Йўл қўйилмайди
Тампонда лок излари (қуригандан кейин)	Йўл қўйилмайди

6-§. Гулқоғоз ёпиштириш ишларини амалга ошириш

238. Гулқоғоз ёпиштириш учун тайёрланган юза сифати танланган гулқоғоз турига кўра мазкур ШНҚнинг 11-жадвалида келтирилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

239. Гулқоғоз ишларини бошлашдан олдин кучли сингдирувчи юзаларга қўшимча равишда елимнинг ёки ГС 2 грунтли таркибнинг кучсиз қоришмаси билан ишлов бериш керак.

Ушбу қоришмани чангланувчи асосларни мустаҳкамлаш учун ҳам ишлатишга йўл қўйилади.

240. Гулқоғозни ёпиштиришдан олдин биринчи тасманинг чегараси бўйича вертикал белги қўйиш керак.

241. Елим ишлаб чиқарувчининг техник тавсияларига мувофиқ тайёрланиши, ёпиштириш ишларини амалга ошириш учун ишлатиладиган гулқоғоз елими танланган гул қоғозларга мос келиши лозим.

242. Елим суртиш тури гулқоғоз ўрамидаги маркировкасидан келиб чиқиб танланиши керак:

елим деворга суртилади;

елим гулқоғозга суртилади.

243. Елим деворга суртилганда, гулқоғоз ўрамининг кенглигидан каттароқ кенгликни қамраб олиши ҳамда елим бир текисда 1 mm дан кам бўлмаган қалинликдаги қатлам билан суртилиши зарур.

244. Гулқоғозларга елим суртишда уларни тескари томонини юқорига қилиб ишчи юзаларга ётқизиш ва 1 mm дан кам бўлмаган қалинликдаги қатлам билан елим суртиш лозим.

Елим суртилгандан кейин гулқоғоз тасмасининг чап ва ўнг қирраларини ўртага қараб эгиш керак (ёпиштирувчи томонларини ичкарига қилиб) гулқоғоз тасмасини қуруқ томонлари билан буклаб, елим сингиши учун қолдириш лозим.

Сингиш вақти гулқоғознинг маркировка (унинг хусусиятлари ва тавсифлари) қисмида белгиланган бўлиши керак.

245. Елим суртилганидан кейин биринчи тасма вертикал равишда ёпиштирилиши ва белги бўйича текисланиши лозим.

Буришган жойларни текислаш ва гулқоғоз остидаги ҳаво пуфакчаларини чиқариш марказдан тепага ва кейин пастга махсус пластмасса (резина) шпателлар ёрдамида амалга оширилиши, бунда ҳар қандай ортиқча елим олиб ташланиши керак.

246. Иккинчи гулқоғоз листи биринчиси бўйлаб учма-уч ёпиштирилиши, бунда гул қоғознинг буришган жойларини текислаш ва гулқоғоз остидаги ҳаво пуфакчаларини чиқариб ташлаш керак.

Мазкур жараён ишчи юзаси ёпиштирилгунча такрорланиши лозим.

247. Ички бурчакларда битта гулқоғоз тасмаси бурчакни 10 — 20 mm га ёпадиган қилиб ёпиштирилиши керак.

Шоқул ёрдамида кейинги тасмани аниқ бурчакка биринчисига устма-уст чиқарилиб ёпиштирилиши ҳамда барча ортиқча елим олиб ташланиши лозим.

248. Ташқи бурчакларда битта гулқоғоз тасмаси бурчакни 10 — 20 mm га ёпадиган қилиб ёпиштирилиб, кейинги гулқоғоз листига қўйилиши, бунда аввалгиси билан устма-уст тенглаштириб ёпиштирилиши ва шундан кейин барча ортиқча елим олиб ташланиши лозим.

249. Гулқоғозларни иситиш радиаторлари орқасига ёпиштириш учун гулқоғоз тасмаларини уларнинг кенглиги иситиш радиаторларининг маҳкамлаш скобалари орасидаги масофага тўғри келиш даражасида кесиш керак.

Ёпиштиришдан олдин гулқоғозларнинг нақш-безаги бўйича бир-бирига тўғри келишини текшириб олиш лозим.

Кириш қийин бўлган жойларда гулқоғозларни текислаш учун ингичка валикдан ёки махсус пластмасса (резина) шпателдан фойдаланиши керак.

250. Ўчириб-ёқиш мосламаси ва розеткалар атрофида гулқоғоз ёпиштиришдан олдин уларни электр таъминотидан ажратиш (ўчириш) лозим.

Ёпилиш жойида четларнинг охирги қирқилиши елим қуригандан кейин амалга оширилиши лозим.

251. Хонада гулқоғоз ёпиштириш ишларини амалга оширишда гулқоғозлар тўлиқ қуригунча доимий намлик режимини ўрнатиб, хонани шамоллатиш ва тўғридан-тўғри қуёш нурлари таъсиридан ҳимоя қилиш керак.

252. Елимланган гулқоғозларни қуритишда ҳаво ҳарорати 23°С дан ошмаслиги лозим.

253. Ишларни қабул қилиш кўз билан (визуал) кўрик орқали ўтказилиши керак.

Гулқоғозлар ёпиштирилган юзаларда ҳаво пуфакчалари, чуқурчалар, доғлар ва бошқа ифлосликларни бўлишига, шунингдек батамом ёпиштириш ва қатлам кўчишига йўл қўйилмайди.

7-§. Бинолар интерьерларида юзаси пардозланган осма шифтлар, панеллар ва плиталарни ўрнатиш

254. Осма шифтларни ўрнатиш ишлари каркаснинг барча элементлари монтаж қилиниб, маҳкамланганидан кейин, унинг юзасини горизонталлиги ва белгиларга мувофиқлиги текширилганидан кейин амалга оширилиши керак.

255. Плиталар, девор панеллари ва осма шифт элементларини ўрнатиш юза белгиланганидан кейин амалга оширилиши ва пардозланаётган юза бурчагидан бошланиши лозим.

Лойиҳа билан инобатга олинмаган листлар (осма шифт панеллари)нинг горизонтал бирикувларига йўл қўйилмайди.

256. Панеллар ва плиталар билан қопланган юза текис, бирикувлардаги осилишларсиз, қаттиқ, листлар (осма шифт панеллари) тебранишсиз ва юзадан қатламлар кўчишисиз (елимлашда) бўлиши лозим.

257. Бинолар интерьерларида юзаси пардозланган осма шифтлар, панеллар ва плиталар ўрнатишда қуйидаги 14-жадвалда келтирилган талаблар ҳисобга олиниши керак.

14-жадвал

Техник талаблар	Чегаравий оғишлар, mm, ундан ортиқ эмас	Назорат (усул, ҳажми, рўйхатга олиш тури)
Плиталар ва панеллар, шунингдек рейкалар (осма шифтларининг) орасидаги тайёр қоплама қирраларининг максимал қийматлари	2	Ўлчаш, 50 — 70 m^2 юзага камида бешта ўлчаш ёки узлуксиз кўз билан (визуал) кўрик орқали аниқланган кичикроқ майдонли алоҳида қисмларда, ишлар журнали
Бутун пардозлаш майдони сиртининг 1 m узунликка диагональ, вертикал ва горизонтал бўйича оғиши	1,5 (7 — бутун юзага)	
1 m узунликка девор қопламаси элементлари бирикуви йўналишининг вертикалга нисбатан оғиши	1	

258. Ораёпмалар ва қопламаларнинг оловбардошлилик чегараларини ошириш учун қўлланиладиган осма шифтлар ёнғин хавфи бўйича ушбу ораёпмалар ва қопламаларга қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлиши лозим.

Хоналар ва эвакуация йўлларидаги осма шифтларнинг каркаслари ёнмайдиган материаллардан бажарилиши керак.

7-боб. Полларни ўрнатиш

1-§. Умумий талаблар

259. Полларни тайёрлашдан олдин ШНҚ 3.01.01-22 га мувофиқ тайёргарлик ишлари амалга оширилиши лозим.

260. Полларни ўрнатиш бўйича ишлар лойиҳа ва ташкилий-технологик ҳужжатларга, шунингдек ушбу ШНҚ мувофиқ бажарилиши керак.

261. Бостирма плиталари ва тўшамалар бўйича полларни ўрнатишда материаллар, асбоб ва ускуналардан тушадиган қўшимча юкларни ҳисобга олиш лозим.

Уларни жойлаштириш ташкилий-технологик ҳужжатларда инобатга олинган жойларда амалга оширилиши керак.

262. Полни қуриш бўйича ишларни бошлашдан олдин қуйидагилар бўйича тадбирлар бажарилиши лозим:

грунтларни барқарорлаштириш ва зичлаш;

шишларнинг олдини олиш ва сунъий равишда мустаҳкамлаш;

ертўла иншоотлари;

коммуникациялар (каналлар, қувурлар);

ускуна остига пойдеворлар;

приямкалар;

оқова лотоклар;

траплар.

Ораёпмалардаги монтаж тешик ва бирикувлари, шунингдек ораёпмаларнинг деворларга (пардеворларга) туташиш жойлардаги тирқишлари цемент-қум қоришмаси ёки сиқилишга мустаҳкамлиги 15 МРа дан кам бўлмаган бетон билан беркитилиши керак.

263. Пол остига грунтли асос ишларни ШНҚ 2.03.13-24 ва ҚР 02.01 талабларига мувофиқ бажарилиши лозим.

Шағал, гравий, қум, қум-гравийли ва қум-шағалли аралашмалар, боғловчилар, шунингдек арматураланган геосинтетик материаллар билан ишлов берилган грунтлардан асосларни ва қаттиқ бўлмаган тўшовчи қатламларни ўрнатиш ҚР 06.02 га мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Ўсимлик грунти, лойқа, торф, шунингдек қурилиш ёки маиший чиқиндилардан тўкилган грунтлардан асос учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

264. Полнинг ётқизилаётган элемент ва материалларининг, хонадаги ва пол даражасидаги ҳавонинг қуйидаги ҳароратларида полларни ўрнатишга йўл қўйилади:

10°С дан паст бўлмаганда (полимер материаллардан қопламаларни бажариш, бунда ҳароратни иш тугаганидан кейин бир суткадан кам бўлмаган вақт мобайнида сақлаб турилиши керак);

10°С дан паст бўлмаганда (таркибига суюқ шиша кирган ксилолит ва аралашмалардан пол элементларини бажариш, бунда ҳарорат ётқизилган материал лойиҳавий мустаҳкамлигининг камида 70 фоизига эга бўлгунга қадар ушлаб турилиши лозим);

5°С дан паст бўлмаганда (таркибига цемент кирган битумли сўртма (мастикалар) ва улар аралашмаларини қўллаб, пол элементларини бажариш, бунда ҳарорат материал лойиҳавий мустаҳкамлигининг камида 50 фоизига эга бўлгунга қадар ушлаб турилиши керак);

5°С дан паст бўлмаганда — гипс, цемент, аралаш боғловчи асосидаги қуруқ аралашмаларни қўллаб пол элементларини бажариш, бунда ҳароратни қатлам қуригунча ушлаб туриш лозим (қотиб қолган қатлам намлиги 6 фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак);

0°С дан паст бўлмаганда — (грунт, гравий, шлак, шағал ва донали материаллардан пол элементларини пастда ётган қатламга ёпиштирмасдан ёки қум устига ўрнатилади).

Ҳаво ва асос ҳароратига талаблар материал ишлаб чиқарувчиси тавсияларига кўра тўғриланишига йўл қўйилади.

Полларни музлаган грунтларда ўрнатишга йўл қўйилмайди.

Иситкичсиз ораёпмаларда полларни ўрнатишда пастдаги хонадаги ҳаво ҳарорати юқорида кўрсатилганидан паст бўлмаслиги керак.

Цемент ва бошқа материаллар қўлланилганда, пол ётқизилгандан кейин мустаҳкамликка эга бўладиган аралашмаларнинг тезкор қотиши учун пол конструкциясини 5°С — 10°С га юқори ҳароратларда лойиҳа ҳужжатида келтирилган мустаҳкамликка эришгунга қадар бажариш ва ушлаб туриш керак.

265. Конструкциясига ёғоч ёки унинг чиқиндилари, синтетик қатронлар ва толалар, ксилолит қопламалар асосидаги маҳсулотлар ва материаллар киритилган полларни ўрнатишдан олдин, хонада қопламаларни намлаш билан боғлиқ сувоқ ва бошқа ишлар амалга

оширилиши, шунингдек иситиш, сув таъминоти, оқова сув тизими тўлиқ ўрнатилиши, чидамлик ва зичлик учун гидравлик ёки пневматик синовлар ўтказилиши лозим.

Ушбу полларни бажаришда ва объектни фойдаланишга топширишгача бўлган даврда хонадаги ҳавонинг нисбий намлиги 60 фоиздан ошмаслиги лозим. Бунда, хонани шамоллатишга йўл қўйилмайди.

266. Ташқи ва ички муҳитнинг агрессив таъсирига қарши чидамли полларни ҚМҚ 2.03.11-96 талабларига мувофиқ лойиҳалаш лозим.

267. Асфалтбетон, шлак ва шағал полларни ўрнатиш бўйича ишларни ШНҚ 2.05.02-07 га мувофиқ амалга оширилиши керак.

268. Гипстолали лист (панел)ларни қўллаб полларни ўрнатишда лойиҳа ҳужжатлари талабларига ва ишлаб чиқарувнинг техник тавсиялари инобатга олиниши керак.

269. Полларнинг махсус турлари (иссиққа ва радиацияга бардошли, учқунланмайдиган, электростатик) учун материал ва аралашмаларга талаблар ишларни ишлаб чиқариш бўйича лойиҳа олди ечимларида кўрсатилиши лозим.

270. Цемент боғловчидаги тўшовчи ва оралиқ қатламлар, текисловчи қатлам (стяжка)лар ва монолит қопламалар сув ўтказмайдиган материал қатлами остида ётқизилгандан кейин 7 d кам бўлмаган вақт мобайнида нам шароитда сақланиши керак.

271. Ксилолит полларда қуйидаги материаллардан бетон ёки қоришма сиқилиш бўйича лойиҳа ҳужжатида келтирилган мустаҳкамликка эга бўлганидан кейин фойдаланишга йўл қўйилади:

цемент ёки (ва) кислота бардошли бетон ёки қоришма;

цемент-қум ёки кислотага бардошли (суюқ шишада) қоришма;

оралиқ қопламаларда ётқизилган донадор материаллар.

Цемент ёки кислотага чидамли бетон ёки қоришмадан, шунингдек цемент-қум ёки кислотага чидамли қоришма қатламларига ётқизилган донали материаллардан тайёрланган кислотали полларнинг норматив ишлашига бетон ёки қоришма сиқилишга бўлган мустаҳкамликка эга бўлгандан кейин йўл қўйилади.

Ушбу полларда пиёдалар ҳаракатига қоплама 1,5 МРа га тенг сиқилиш бўйича мустаҳкамликка эга бўлгандан кейингина йўл қўйилади.

272. Кичик механизация воситалари ёрдамида полларни ўрнатиш материал ишлаб чиқарувчининг технологик харитаси ва ускуна ишлаб чиқарувчининг техник тавсияларига мувофиқ амалга оширилиши зарур.

273. Пол қопламаси сифатида В3, Д3, Т3 ва Т4 гуруҳи материалларидан бажарилган гилам қопламаларини қўллашга йўл қўйилмайди.

2-§. Полнинг қуйи қисмидаги элементларини тайёрлаш

274. Юзани чангдан тозалаш ишлари юзага грунтли таркиблар, ўрамли (рулонли) ва плиткали полимер қопламалар остига елимли орақопламалар ҳамда узлуксиз (чоксиз) поллар учун сўртмали (мастика) таркибларни қоплашдан олдин бажарилиши керак.

275. Юза қатламининг грунтовка қилиш ишлари қоришма, сўртма (мастика) ёки елим материалига мос келадиган таркиблар билан бутун юзада бўшлиқларсиз қуйи қисмдаги элементга қурилиш қоришмалари, сўртма (мастика)лар, елимларни (битум, синтетик қатрон ва полимерларнинг сувли дисперсиялари асосида) суртишдан олдин бажарилиши лозим.

276. Бетон ва цемент-қум қоришмасидан пол элементлари юза қатламини намлаш уларга цемент боғловчилардан тайёрланган қурилиш аралашмаларини ётқизишдан олдин бажарилиши керак.

Намлаш сув охиригача сингигунча амалга оширилиши керак.

Гипс боғловчидаги аралашмаларни ётқизишда асос қуруқ бўлиши (намлиги 6 фоиздан ошмаслиги лозим) ва грунтли таркиб билан ишлов берилиши (ГС 1 дан фойдаланишга йўл қўйилади) лозим.

3-§. Бетон тўшама қатламларни ётқизиш

277. Бетон аралашмаларни тайёрлаш, ташиш ва ётқизиш ишларини КР 3.03.01 га мувофиқ амалга оширилиши керак.

278. Бетон тўшама қатламларни бажаришда қуйидаги 15-жадвал талаблари ҳисобга олиниши лозим.

15-жадвал

Техник талаблар	Назорат (усул, ҳажм, рўйхатга олиш тури)
Шағалнинг максимал йириклиги 40mm дан ва тўшама қатлам қалинлигининг 0,25дан ошмаслиги лозим	Ўлчаш, аралашмаларни тайёрлаш жараёнида тўлдирувчининг бир тўпига камида уч марта ўлчаш, ишлар журнали (к
Сталефибробетон тўшама қатламлари учун шағалнинг максимал йириклиги 20 mm дан ошмаслиги лозим	
Ҳарорат-киришиш чоклари ўйиқ (паз)ларини кесишни қопламанинг сиқилиш мустаҳкамлиги 8-10 МРа га етганда аралашмани ётқизгандан кейин 2 d дан кечиктирмай амалга оширилиши лозим	Ўлчаш, тўшам қатламнинг бутун юзаси, ишлар журнали
Вакуумлаш усулини қўллашда: бетон аралашмасининг ҳаракатчанлиги — ПЗдан кам эмас; вакуум-насосда сийраклаштириш — 0,07-0,08 МРа; вакуумлашнинг давомийлиги — 10 mm тўшовчи қатлам қалинлигига 1 — 1,5 min	Ўлчаш, вакуумлашнинг ҳар бир қисмида ишлар журнали

4-§. Текисловчи қатлам (стяжка)

279. Бетондан, асфальт-бетондан, цемент-қум қоришмасидан монолит текисловчи қатлам (стяжка)лар ва ёғоч толали плиталардан йиғма монолит текисловчи қатлам (стяжка)ларни бажаришда, уларни ўрнатиш бўйича қоидалар ҳисобга олиниши керак.

280. Гипс, цемент, аралаш боғловчидаги ғоваклаштирилган, ўз-ўзидан текисланувчи ва текисловчи қатламлар (оралиқ қатламлар) лойиҳада келтирилган ҳисобий қалинлик бўйича бир вақтда ётқизилиши лозим.

281. Текисловчи қатламни (стяжкалар) ётқизишда қуйидаги 16-жадвалда келтирилган талаблар инобатга олиниши керак.

16-жадвал

Техник талаблар	Назорат (усул, ҳажм, рўйхатга олиш тури)
1	2
Товуш изоляцияловчи қистирмалари ёки тўкмалар бўйича ётқизиладиган текисловчи қатламни (стяжкалар) девор, пардевор ва бошқа конструкцияларга туташиш жойларида текисловчи қатламнинг бутун қалинлиги бўйлаб 10 mm дан кам бўлмаган кенгликдаги тирқиш билан ётқизиш ва худди шундай товуш изоляцияловчи материал билан тўлдириш лозим. Монолит текисловчи қатламлар девор ва пардеворлардан гидроизоляцияловчи материаллардан ишланган тасмалар ва демпфер ленталар билан ажратилиши (изоляцияланиши) керак	кўз билан (визуал) ва ўлчаш, барча туташиш жойларида, ишлар журнали
Ётқизилган монолит текисловчи қатлам қисмининг чекка юзалари қатламнинг қўшни қисмларига аралашмани ётқизишдан олдин маёқ ва чекловчи рейкалар ечилганидан кейин грунтовка қилиниши ёки намланиши, ишчи чоклар эса билинмайдиган қилиб текисланиши лозим	кўз билан (визуал), сменада камида тўрт марта, ишлар журнали

Монолит текисловчи қатламларнинг юзасини текислаш ишлари аралашмалар қотгунига қадар бажарилиши лозим	кўз билан (визуал), текисловчи қатламларнинг барча юзасини, сменада камида марта, ишлар журнали
Йиғма текисловчи қатлам бирикувларини ёпиштириш лойиҳа ечимига мувофиқ бирикувларнинг бутун узунлиги бўйича бажарилиши керак	кўз билан (визуал), барча бирикувларни, ишлар журнали
Қўшимча элементларни цемент ва гипс боғловчидаги йиғма текисловчи қатлам орасида ётқизишни қатлам материали билан бир хил аралашма билан тўлдириладиган, кенглиги 10-15 mm бўлган тирқиш билан амалга ошириш лозим Йиғма текисловчи қатлам плита ва девор ёки пардеворлар орасидаги тирқишлар кенглиги 0,4 m дан кам бўлганда, аралашмани узлуксиз товуш изоляцияловчи қатлам бўйича ётқизиш керак	кўз билан (визуал) ва ўлчаш, барча тирқишларни, ишлар журнал

5-§.Товуш изоляциясини ўрнатиш

282. Товушни изоляцияловчи сочилувчан материал органик аралашмаларсиз бўлиши керак.

Чангсимон материаллардан тўлдирувчиларни қўллашга йўл қўйилмайди.

283. Қистирмалар ёпиштиришсиз ораёпма плиталарига, плиталар ва матлар эса қуритиб ёки ёпиштириш билан ётқизилиши лозим.

Лага (пол қопламаси остидаги тўсин)лар остига товуш изоляцияловчи қистирмаларни узулишларсиз лагаларнинг бутун узунлиги бўйлаб ётқизиш керак.

Лентали қистирмалар йиғма текисловчи қатламлар (стяжка) остига узлуксиз тасмалар билан хоналарнинг периметри бўйича деворлар ва пардеворларга зич тақаган ҳолда, қўшни плиталарнинг бирикувлари остига, шунингдек периметр ичига — плитанинг каттароқ томонига параллель қилиб жойлаштирилиши керак.

284. Товуш изоляциясини ўрнатишда қуйидаги 17-жадвалда келтирилган талаблар инобатга олиниши керак.

17-жадвал

Техник талаблар	**Чегаравий четланишлар**	**Назорат (усул, ҳажми, рўйхатдан ўтказиш тури)**
1	2	3
Товуш изоляцияловчи сочилувчан материалнинг йириклиги	0,15 mm дан 20 mm гача	Ўлчаш, тўлдирувчининг ҳар бир 50 — 70 m^2 камида учта ўлчаш, натижаларни ишлар журналига киритиш
Лагалар орасидаги тўлдирувчи сочилувчан материалининг намлиги	10 фоиздан ортиқ эмас	Ўлчаш, тўлдирувчининг ҳар бир 50 — 70 m^2 камида учта ўлчаш, натижаларни ишлар журналига киритиш
Товуш изоляцияловчи қистирмаларнинг кенглиги	Лойиҳага мувофиқ	Ўлчаш, юзанинг ҳар бир 50 — 70 m^2 камида учта ўлчаш, натижаларни ишлар журналига киритиш
Йиғма стяжкалар периметри ичидаги товуш изоляцияловчи қистирмалари тасмаларининг ўқлари орасидаги масофа	Лойиҳага мувофиқ	Ўлчаш, йиғма текисловчи қатлам (стяжка)нинг ҳар бир плитасига камида учта ўлчаш, натижаларни ишлар журналига киритиш

6-§. Гидроизоляция ўрнатилиши

285. Гидроизоляцияни қуйида келтирилган материаллардан лойиҳалашга йўл қўйилади:

битумдан;

сўртма (мастика)да елимланадиган ўрамдан (рулонли);

битум ўрамли (рулонли) эритиладиган ва ўз-ўзини елимлайдигандан;

полимер ўрамдан (рулон);

битум ва битум-полимер сўртмалардан (мастикалар);

цемент асосидаги гидроизоляцияловчи эритмалардан;

полимерлар ва полимер сўртмадан (мастика);

чанглатиш усули билан қопланадиган материалларнинг сувли эритмаларидан.

Гидроизоляция ушбу ШНҚнинг 5-боби ҳамда мазкур параграф, шунингдек ҚМҚ 2.03.11-20 га мувофиқ бетон тайёргарлик, текисловчи қатлам (стяжка) ёки ораёпма плитаси бўйича амалга оширилиши керак.

286. Битумни сингдириш орқали шағалдан гидроизоляцияни ҚМҚ 2.03.11-20 га мувофиқ амалга ошириш лозим.

287. Асос билан уланишга эга бўлган барча турдаги гидроизоляцияловчи қопламаларни ўрнатиш асос грунтланганидан кейин амалга ошириш керак.

Бунда, грунтлаш тури қўлланилаётган гидроизоляцияловчи материалнинг турига мос келиши лозим.

Ўрамли (рулонли) гидроизоляцияловчи материаллар, учма-уч бириктириладиганларидан ташқари, чеккалари бир-бирининг устига камида 80 mm га чиқариб ёпиштирилиши керак.

288. Сўртмада (мастика) ёпиштирилган гидроизоляцияни у қопланганидан кейин ёпиштирилиши лозим.

Бутил каучук ва полиизобутилендан ёпиштирилган гидроизоляция совуқ синтетик сўртма (мастика) ёпиштирилиши керак.

Битум ўрамли (рулон) материаллар битум сўртмага (мастика) ёпиштирилиши лозим.

Битум ва битум-полимер эмульсиядан тайёрланган гидроизоляцияни икки қатламли битум эмульсияси билан грунтланган асос бўйича 1-1,5 mm қалинликдаги уч-тўрт қатлам қилиб қоплаш лозим.

Матоларни ёпиштириш орқали полимер ўрамли (рулон) материаллардан тайёрланган гидроизоляцияни ўрнатишда уларни грунтланган юзага битум, битум-полиизобутилен сўртмалар (мастика), полимер ёки резина елим билан ёпиштириш йўли билан амалга оширилиши керак.

Плёнкали ўрам (рулон) материаллардан тайёрланган гидроизоляцияни қуйидаги усуллар билан ўрнатилиши лозим:

қирралар ёки бир-бирининг устига чиққан жойларни ёпиштириш;

ўрамларни (рулон) полимер елимлар билан грунтланган асосга ёпиштириш;

полимер елимли қатламли ўрамларни (рулон) ушбу қатламни паст молекулали, иссиқлик ва кимёвий таъсирларга бардошли, юқори ҳароратда қайнайдиган суюқликлар (пластификаторлар) қўшиш ҳисобига грунтланган асосга ёпиштириш.

Цемент асосидаги қоришмадан гидроизоляцияни катакларнинг ўлчами 10х10 mm дан 20х20 mm гача бўлган металл тўр билан ёки полимер материаллардан тайёрланган тўрлар билан арматуралаш лозим.

Полиуретан ва бошқа мойга бардошли таркиблардан гидроизоляцияни кейинчалик тегишли полимер материал қатлами билан қоплаб, суртилган таркибга чўктириш орқали шиша тўр билан арматуралаш керак.

289. Кўп қатламли изоляциялашда матоларнинг ўзаро бирикишларини босқичма-босқич, чеккаларини камида 100 mm дан бир-бирини устига чиқариб бажариш лозим.

Полнинг деворларга, ускуна остидаги пойдеворларга, қувурларга ва бошқа полдан чиқиб турган конструкцияларга туташган жойларида гидроизоляцияни пол қопламаси даражасидан 200 mm дан кам бўлмаган баландликда узлуксиз бўлиши лозим.

290. Бажарилган гидроизоляция полнинг кейинги қатламларини ўрнатишда механик шикастланишлардан ҳимояланиши лозим.

Бунда, ҳимоя сифатида цемент-қум текисловчи қатлам (стяжка) ёки профилланган юқори зичликдаги полиэтилендан тайёрланган лист (панел)лардан фойдаланишга йўл қўйилади.

291. Битумли гидроизоляция юзасини унинг устига қопламалар, оралиқ қатламлар ёки таркибига цемент ва суюқ шиша кирган текисловчи қатламларни (стяжка) ётқизишдан олдин ушбу ШНҚнинг 18-жадвалида келтирилган параметрларга риоя қилган ҳолда, иссиқ битум сўртма (мастика) билан ва унга қуруқ йирик донадор қумни чўктириш йўли билан қопланиши лозим.

18-жадвал

Техник талаблар	**Чегаравий оғишлар**	**Назорат (усул, ҳажм, рўйхатдан ўтказиш тури)**
Битум сўртма (мастика)нинг қоплашдаги ҳарорати 160 °С	+ 20 °С	Ўлчаш, сўртма (мастика)ни қоплаш учун тайёрланган ҳар бир партияни, натижани ишлар журналига киритиш
Қум ҳарорати 50 °С	+ 10 °С	Ўлчаш, уни қоплашдан олдин қумнинг ҳар бир тўпини, натижани ишлар журналига киритиш
Битум сўртма (мастика)си қатламининг қалинлиги 1,0 mm	+ 0,5 mm	Ўлчаш, гидроизоляциянинг ҳар бир 50 — 70 m^2 юзасига уч мартадан кам бўлмаган ўлчаш

7-§. Полнинг оралиқ элементларига қўйиладиган талаблар

292. Ётқизилгандан кейин қотадиган материаллар лойиҳада келтирилган мустаҳкамлигидан кам бўлмаслиги лозим.

Полнинг оралиқ элементларини ўрнатишда йўл қўйиладиган четланишлар мазкур ШНҚнинг 19-жадвалида келтирилган чегаравий оғишлардан ортиқ бўлмаслиги керак.

19-жадвал

Техник талаблар	**Чегаравий оғишлар**	**Назорат (усул, ҳажм, рўйхатдан ўтказиш тури)**
Икки метрли назорат рейкаси ва пол элементининг текширилаётган юзаси ўртасидаги оралиқлар: грунтли асослар учун қаттиқ бўлмаган тўшовчи қатламлар учун гидроизоляция қатламини ўрнатиш остидан бетон тўшовчи ва текисловчи қатламлар бошқа турдаги қопламалар остидан полимер материаллар, полнинг ҳимоя полимер пол қопламаси ёғоч асосдаги донали элементлардан тайёрланган қопламалар остидан текисловчи қатламлар - линолеум, синтетик толалар асосидаги	20 mm гача 15 mm гача 5 mm гача 10 mm гача 2 mm гача 2 mm гача	Ўлчаш, полнинг ҳар 50 — 70 m^2 юзасига камида бешта ўлчашлар ёки кичикроқ юзали майдонли битта хонада, визуал текширувда аниқланган жойларда, ишлар журнали

ўрамли (рулонли), поливинилхлорид плиткалар, паркет қопламалар, ламинат ва сўртма (мастика)ли полимер материаллардан тайёрланган қоплама остидан бетон тўшама қатламлар ва стяжкалар бошқа турдаги қопламалар учун стяжкалар ва текисловчи қатламлар йирик форматли плитка (1 m^2дан катта) билан қоплама остидан стяжкалар ва тўшама қатламлар	4 mm дан ортиқ эмас 2 mm дан ортиқ эмас	
Элемент юзасининг горизонталдан ёки берилган нишабдан оғишлари Тўшовчи ва текисловчи қатламларнинг қалинлиги бўйича оғишлар	хона тегишли ўлчамининг 0,2 фоиз лекин грунтли асослар ва қаттиқ бўлмаган тўшама қатламлар учун 50 mm дан кўп эмас ва бошқа типдаги элементлар учун 20 mm дан кўп эмас лойиҳанинг 10 фоизидан ортиқ эмас	Ўлчаш, полнинг ҳар бир 50 — 70 m^2 юзасига камида бешта ўлчашлар ёки кичикроқ майдонли битта хонада, ишлар журнали Ўлчаш, пол элементининг ҳар бир 100 m^2 юзасига камида битта ўлчаш ёки кичикроқ майдонли битта хонада, ишлар журнали
Тўшовчи ва текисловчи қатламларнинг қалинлиги бўйича оғишлар	лойиҳанинг 10 фоиздан ортиқ эмас	Ўлчаш, пол элементининг ҳар бир 100 m^2 юзасига камида битта ўлчаш ёки кичикроқ майдонли битта хонада, ишлар журнали

8-§. Монолит қопламаларни ўрнатиш

293. Янги ётқизилган бетон аралашмасига монолит мозаикали қопламаларни декоратив ва бошқа тўкилувчан материалларни ботириш орқали ва кейинчалик қотган юзани силлиқлаш орқали бажариш лозим.

Мустаҳкамланган устки қатламли бетон қопламаларни устки қатламни бетон-пардозлаш ускунаси билан механик ишлов бериш орқали, янги ётқизилган виброзичланган ёки вибровакуумланган бетон аралашмасининг юзаси бўйлаб бир текисда дозаланган тўкма ҳолда бажариш лозим.

294. Монолит қопламаларни ўрнатишда қуйидаги 20-жадвал талаблари ҳисобга олиниши керак.

20-жадвал

Техник талаблар	Назорат (усул, ҳажм, рўйхатга олиш тури)
Бетон қопламалар учун шағалнинг максимал йириклиги 20 mm дан ва қопламалар қалинлигининг 0,25 фоиздан ошмаслиги лозим	Ўлчаш — аралашмаларни тайёрлаш жараёнида, тўлдирувчининг бир партиясига камида учта ўлчаш, ишлар журнали
Сталефибробетон қопламалар учун шағалнинг максимал қалинлиги 20 mm дан ошмаслиги керак	
Мозаикали поливинилацетат-цемент-бетон, латекс-цемент-бетон қопламалар учун тўлдирувчининг максимал йириклиги 15 mm дан ва қопламалар қалинлигининг 0,6 фоизидан ошмаслиги лозим.	
Мозаикали қопламалар учун мармар крошка камида 60 МРа сиқилишга мустаҳкамликка; поливинилацетат-цемент-бетон, латекс-цемент-бетон қопламалар учун — камида 80 МРа га эга бўлиши керак	Ўлчаш, тўлдирувчининг бир партиясига камида учта ўлчаш, ишлар журнали
Қопламаларни силлиқлаш (шлифовка қилиш) қопламанинг мустаҳкамлиги тўлдирувчини бўяш керак Олиб ташланадиган қатлам қалинлиги декоратив тўлдирувчи фактурасининг тўлиқ очилишини таъминлаши лозим Силлиқлаш (шлифовка қилиш) ишларида ишлов берилаётган юза сув ёки юзаки-фаол моддалар сув эритмасининг юпқа қатлами билан қопланиши керак	ўлчаш, қопламанинг ҳар бир 50 — 70 m^2 юзасига тўққизтадан кам бўлмаган ўлчашлар, ишлар журнали
Мустаҳкамловчи аралашманинг сарфи — бўялмагани учун камида 3 kg/m^2 ва пигментланганлари учун камида 5 kg/m^2	Ўлчаш, қопламанинг бутун юзасини, ишлар журнали
Ҳарорат-киришиш чоклари ёриқларини кесишни қоплама сиқилишга мустаҳкамлиги 8-10 МРа га етганида, бироқ аралашма ётқизилгандан 2 кундан кечиктирмай бажариш лозим	Ўлчаш, қопламанинг бутун юзасини, ишлар журнали
Мустаҳкамловчи таркиблар билан юзаки сингдириш ва бетон қопламаларни полимер материаллар асосидаги локлар ва лок-бўёқ таркиблар билан пардозлаш хонадаги ҳаво ҳарорати 10 °С дан паст бўлмаганда, аралашма ётқизилгандан кейин 10 суткадан кечиктирмай амалга оширилиши керак. Сингдириш ва лок-бўёқ таркиблар билан бўяшдан олдин қопламани қуритиш ва чангдан тозалаш, лок-бўёқ таркибларни суртишдан олдин — грунтлаш зарур	Кўз билан (визуал) (сингдириш ва грунтлаш мавжудлигида) ва ўлчаш) қопламанинг бутун юзаси, ишлар журнали

9-§. Плита (плитка)лардан ва унификацияланган блоклардан қопламаларни ўрнатиш

295. Оралиқ қатлам ўрнатилгандан кейин қуйидаги материаллардан тайёрланган боғловчилар ётқизилиши лозим:

цемент-бетон;
цемент-қум;
мозаика-бетон;
асфальт-бетон;
керамика;
тош-қуйилган;
чўян;
пўлат;
табиий тошдан ва унификацияланган блоклар;
сувда эрувчан полимерлар ва реактив қатронлардан қоришма;

бетон, иссиқ сшрма (мастика)лар, ишлатишга тайёр материаллар.

Плиталар ва блокларни оралиқ қатламга зичлашда вибраторлар ёрдамида, улар орқали зичлашнинг имкони бўлмаган жойларда эса, зичлаш ишлари ортиқ билан амалга оширилиши керак.

Плита ҳамда блокларни ётқизиш ва зичлаш ишларини қоришма тутиб қолиши, сўртма (мастика)нинг қотиши ёки оралиқ қоплама материалининг полимерланиши бошланмасдан тугатиш лозим.

Оралиқ қатлам сифатида тиксотроп материаллардан фойдаланилганда, ушбу материални бўшлиқсиз ётқизишни таъминлаш учун ётқизилаётган элементнинг тескари томонига қўшимча равишда қоплаш ишларини бажаришга йўл қўйилади.

296. Плиталар ва блоклардан қопламаларни ўрнатиш ишлари қуйидаги 21-жадвалга мувофиқ бўлиши керак.

21-жадвал

Техник талаблар	**Назорат (усул, ҳажм, рўйхатга олиш тури)**
Ғовак плиталар (бетон, цемент-қум, мозаикали ва керамика) цемент-қум қоришмадан тайёрланган оралиқ қатламга ётқизишдан олдин сувга ёки юзаки-фаол моддаларнинг сувли эритмасига 15-20 min ботирилиши лозим	Кўз билан (визуал) ва ўлчаш (вақтни қайд этиш), сменада камида тўрт марта, ишлар журнали
Плиткалар ва блоклар орасидаги чоклар кенглиги қуйидагидан ошмаслиги лозим, mm: 5 — плиталар ва блокларни оралиқ қатламга зичлашда; 3 — лойиҳа билан чокларнинг бошқа кенглиги белгиланган бўлмаса, плиткаларни виброзичлашда	Ўлчаш, қопламаларнинг ҳар бир 50 — 70 m^2 юзасига камида бешта ўлчашлар ёки кичикроқ майдонли хонада визуал текширув билан аниқланган жойларда, ишлар журнали
Чоклардан чиқиб кетган қоришма ёки бетон қотишидан олдин қопламадан унинг юзаси билан баравар қилиб олиб ташланиши керак Иссиқ сўртмадан (мастика) фойдаланилганда уни қотиши билан, совуқ сўртмадан (мастика) фойдаланилганда уни чокдан чиқиб кетиши билан	Кўз билан (визуал), қопламанинг бутун юзаси, ишлар журнали
Оралиқ қатлам материали шлакоситалл плиталарнинг орқа томонига пастки гофрировка қилинган юзаси билан уларни чиқиб турган гофрировкаси билан бир текисда бевосита ётқизишдан олдин қопланиши лозим	Кўз билан (визуал) сменада камида тўрт марта, ишлар журнали

10-§. Ёғоч ва унинг асосидаги маҳсулотлардан тайёрланган қопламаларни ўрнатиш

297. Қопламалар остига лагалар деразадан тушадиган ёруғлик йўналишига кўндаланг қилиб, одамлар маълум йўналишда ҳаракатланадиган хоналарда эса ҳаракатга перпендикуляр қилиб ўрнатилиши лозим.

Лагаларни хонанинг ҳар қандай жойида қўшни лагалардаги бирикувларни камида 0,5 m га силжитиб, ўзаро четлари билан бир-бирига бирлаштириб (тақаб) бириктириш лозим.

Лагалар ва деворлар (пардеворлар) орасида кенглиги 20 — 30 mm тирқиш бўлиши керак.

298. Полларда ораёпмалар устида лагалар юзаси текисланган қум қатлами билан ҳамда ушбу қатламни товуш изоляцияловчи қатлам ёки лагалар тагига уларнинг бутун кенглиги ва узунлиги бўйича тўкиб текисланиши керак.

Лагалар товуш изоляцияловчи қатламга, ораёпма плиталарга ёки текисловчи қум қатламига бутун пастки юзаси билан, тирқишларсиз тегиб туриши зарур.

Лагалар остига уларни текислаш учун ёғоч поналар ёки тагликлар қоқилиши, бунда уларнинг ёғоч тагликларга таянишига йўл қўйилмайди.

299. Грунтда, полларда ва устунчаларда жойлашган лагалар остига полнинг икки қатлами бўйича ёғоч қистирмалар ётқизилиши, бунда пол четларини қистирмалар остидан 30-40 mm га чиқариш ва уларни михлар билан маҳкамлаш лозим.

Лагалар бирикувлари устунчаларда жойлашиши керак.

300. Қўшни хоналарнинг эшик ўрнатиш жойларида ҳар бир томондан камида 50 mm га пардевордан чиқиб турувчи кенгайтирилган лага ўрнатилиши лозим.

301. Ўзаро ён қирралари билан шпунтга бирлаштириладиган ёғоч қопламанинг тахталари, паркет тахталарини (паркет шчитлари — шпонкалар ёрдамида) зич қилиб мустаҳкам бирлаштириш зарур.

Бирлаштиришда қоплама маҳсулотлари кенглигининг камайиши камида 0,5 фоиз бўлиши лозим.

302. Ёғоч қопламанинг ҳамма тахталари ҳар бир лагага узунлиги қоплама қалинлигидан 2 — 2,5 марта катта бўлган михлар билан, паркет шчитлари эса 50-60 mm узунликдаги михлар билан маҳкамланиши керак.

Михларни қия қилиб ёғоч қоплама тахталарининг ён томонига ётқизиб ҳамда паркет тахталари ва паркет шчитлари қирраларига тирқиш пастки юзи асосига михлар қалпоғини ботириб қоқиш лозим.

Михларни паркет тахталари ва паркет шчитларининг уст юзаларига қоқишга йўл қўйилмайди.

303. Лагаларда қуйидагича бирикувлар жойлаштирилиши керак:

ёғоч қопламалар тахталари ён чеккаларининг бирикувлари;

чеккалар ва ён қирраларнинг ёнма-ён паркет тахталарининг чеккалари билан бирикувлари;

лагаларга параллель ёнма-ён паркет шчитлари қирраларининг бирикувлари.

304. Қоплама тахталари чеккаларининг бирикувлари қоплама юзаси билан баравар қилиб ўйиб ўрнатилиши, кенглиги 50 — 60 mm, қалинлиги 15 mm бўлган тахта (фриз) билан ёпилиши керак.

Фриз 200 — 250 mm ли қадам масофада лага бўйлаб икки қатор михлар билан лагага қоқилиши лозим.

Фриз билан ёпмасдан чеккаларни бириктиришга фақат икки-учта девор олди қоплама тахталарида йўл қўйилади.

Бирикувлар эшик ўринларига қарама-қарши томонда бўлмаслиги ва битта лагада жойлашиши лозим.

305. Ўта қаттиқ ёғоч толали плиталар йиғма ва донадор паркет асосга совуқ ёки иситилган ҳолатда қўлланиладиган сувга бардошли боғловчилардаги тез қотадиган сўртма (мастика)лар билан ёпиштирилиши керак.

Елим сўртмани (мастика)ни ўта қаттиқ ёғоч толали плиталар остидаги асосга 300-400 mm ораликда, плиталар периметри бўйича кенглиги 100-200 mm ли йўлма-йўл (полоса бўйлаб) қилиб қопланиши лозим.

Ёғоч толали плиталарни ётқизишда ва кесишда плиталар тўрт бурчагини бир нуқтада бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

306. Лагалар остига устунчалар бўйича ётқизиладиган барча лагалар, тахталар (олд томон бундан мустасно), ёғоч қистирмалар, шунингдек ёғоч толали плиталар асоси остига ёғоч антисептика қилиниши ва ёнғиндан ҳимояловчи таркиблар билан чуқур шимдирилиши лозим.

307. Ёғоч ва унинг асосидаги маҳсулотлардан қопламаларни ўрнатишда мазкур ШНҚнинг 22-жадвалида келтирилган талаблар ҳисобга олиниши лозим.

Полга катта фойдаланиш юкларда (500 kg/m^2 дан кўп) лагалар учун таянчлар орасидаги, шунингдек лагалар орасидаги масофа ва уларнинг қалинлиги лойиҳа бўйича қабул қилиниши керак.

22-жадвал

Техник талаблар	**Назорат (усул, ҳажм, рўйхатга олиш тури)**
1	2
Лагалар остига устунчалар бўйича ётқизиладиган барчалагалар, тахталар (олд томон бундан мустасно), ёғочқистирмалар, шунингдек ёғочтолали плиталар асос остига ёғоч антисептика қилиниши лозим	Кўз билан (визуал), барча материаллар
Материаллар намлиги, қуйидагидан ошмаслиги керак: 18 фоиз — лагалар ва қистирмалар учун; 12 фоиз — қоплама ва асос тахталари, уларни ётқизишда; 10 фоиз — йиғма ва донадор паркет, паркет тахталари ва паркет шчитлари учун; 12 фоиз — қопламанинг ёғоч толали плиталари учун	Ўлчаш, ҳар бир 50 — 70 m^2 пол юзасига камида учта ўлчаш, ишлар журнали
Бириктирувчи лагалар узунлиги 2 m дан кам бўлмаслиги, барча пастки юзаси билан ораёпма плиталарига ёки товуш изоляцияловчи қатламга таянувчи лагалар қалинлиги эса 40 mm, кенглиги 80 — 100 mm бўлиши лозим Алоҳида таянчларга (грунтдаги поллардаги устунчалар, ораёпма балкалари) ўрнатиладиган лагалар қалинлиги 40 — 50 mm, кенглиги эса 100 — 120 mm бўлиши керак	Ўлчаш, ҳар бир 50 — 70 m^2 пол юзасига камида учта ўлчаш, ишлар журнали
Грунтда полдаги лагалар остига ёғоч тагликлар: кенглиги 100-150 mm; узунлиги 200-250 mm; қалинлиги 25 mm дан кам эмас	Ўлчаш, ҳар бир 50 — 70 m^2 пол юзасига камида учта ўлчаш, ишлар журнали
Ораёпма плиталари бўйича ва ораёпма балкалари учун лагалар ўқлари орасидаги масофа (қопламани бевосита балкалар бўйича ётқизишда) 0,4-0,5 m бўлиши керак Алоҳида таянчларга (грунт устидаги полдаги устунчалар, ораёпма балкалари) лагалар ётқизишда, бу масофа m қуйидагича бўлиши лозим: 0,8-0,9 — 40 mm лагалар қалинлигида; 1,0-1,1 — 50 mm лагалар қалинлигида. Полга катта фойдаланиш юкларда (500 kg/m^2 дан ортиқ) лагалар учун таянчлар орасидаги, шунингдек улар орасидаги масофани ва қалинлигини ишларни ишлаб чиқариш лойиҳаси (ППР) бўйича қабул қилиш лозим.	Ўлчаш, ҳар бир 50 — 70 m^2 пол юзасига камида учта ўлчаш, ишлар журнали
Чеккалари билан бириктирилувчи қоплама тахталарининг узунлиги камида 2 m, паркет тахталариники эса камида 1,2 m бўлиши лозим	Ўлчаш, ҳар бир 50 — 70 m^2 пол юзасига камида учта ўлчаш, ишлар журнали
Йиғма ва донадор паркет ва ўта қаттиқ ёғоч толали плиталар остига елимли оралиқ қатлам қалинлиги 1 mm дан ошмаслиги зарур	Ўлчаш, ҳар бир 50 — 70 m^2 пол юзасига камида бешта ўлчаш ёки кичикроқ майдонли битта хонада, ишлар журнали
Ёпиштириш майдони: паркет планканики камида 80 фоиз; ёғоч толали плиталарники камида 40 фоиз	Кўз билан (визуал) 500 m^2 пол юзасига камида уч жойдан синов учун кўтариш билан, ишлар журнали

11-§. Ўрамли (рулонли) ва донадор полимер материаллардан қопламаларни ўрнатиш

308. Синтетик толалар линолеум, гиламлар, ўрамли (рулонли) материаллар ва поливинилхлорид плиткалар ёпиштиришдан олдин тўлқинлар йўқолгунча тобланиб туриши, асосга тўлиқ ёпишиши ҳамда улар ишларни ишлаб чиқариш бўйича (лойиҳада келтирилган ҳолатлардан бундан мустасно) бутун майдони бўйича пастки қатламга ёпиштирилиши лозим.

309. ўрамли (рулонли) материалларнинг бириктирилаётган матоларини кесишни матоларни асосий ёпиштиришдан кейин 3 d кечиктирмай амалга ошириш лозим.

Бириктирилаётган линолеум матоларининг қирралари кесишдан кейин пайвандланиши ёки ёпиштирилиши керак.

310. Йўловчиларнинг ҳаракатланиш зоналарида синтетик толалардан линолеум, гиламлар ва ўрамли (рулонли) материаллардан тайёрланган қопламаларда кўндаланг (ҳаракат йўналишига перпендикуляр) чокларни ўрнатишга йўл қўйилмайди.

311. Полимер материаллардан қопламаларни ўрнатиш ишлари қуйидаги 23-жадвал талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

23-жадвал

Техник талаблар	**Назорат (усул, ҳажм, рўйхатга олиш тури)**
Улар устидан қопламаларни ўрнатишдан олдин тортиладиган намлик қуйидагидан ошмаслиги лозим: 4 фоиз — қаватлараро ораёпмаларнинг панеллари учун; 4 фоиз цемент, полимерцемент ва гипс боғловчи асосидаги стяжкалар учун; 12 — ёғочтолали плиталардан стяжкалар учун	Ўлчаш, ҳар бир 50 — 70 m^2 қоплама юзасига бир текисда камида бешта ўлчашлар, ишлар журнали
Елимли қават қатламининг қалинлиги 0,8 mm дан ортиқ бўлмаслиги керак	Ўлчаш, ҳар бир 50 — 70 m^2 қоплама юзасига бир текисда камида бешта ўлчашлар, ишлар журнали

12-§. Полнинг ҳимоя полимер қопламасини ўрнатиш

312. Полнинг ҳимоя полимер қатламлари мазкур ШНҚнинг 24-жадвалида келтирилган талабларга мувофиқ юпқа қатламли, қуйиладиган (ўз-ўзини нивелирлайдиган) ва юқори тўлдирилганларига бўлиниши керак.

24-жадвал

Ҳимоя полимер пол қопламаларининг турлари	**Ишчи қатламнинг қалинлиги, mm**	**Изоҳ**
Ҳимоя полимер қуйиладиган (ўз-ўзини нивелирлайдиган) қопламалар	1,0-3,0	Қуйиш (налив) усули билан қопланади, силлиқ текис юзага эга бўлади, шунингдек материалга ейилишга чидамли тўлдирувчини қўшишга йўл қўйилади
Ҳимоя полимер юқори тўлдирилган қопламалар	2,0-12	Қуйиш усули ҳамда қўлда ишқалаш билан ёки ишқалаш машиналарини қўллаб қопланади Материалга ейилишга чидамли тўлдирувчини қўшишга йўл қўйилади Ейилишга чидамли тўлдирувчи билан қатламлараро сепишга йўл қўйилади Силлиқ, силлиқ-фактурали ёки ғадир-будур юзага (қўлланилган ўрнатиш технологиясига боғлиқ) эга бўлади

		Таркибига 3,0 дан ортиқ тўлдирувчи (қатрон) мавжуд

313. Ҳимоя полимер пол қопламалари бетон ёки қоришмалардан (қоришмалар заводда ишлаб чиқарилган ёки қуруқ қурилиш аралашмаларидан тайёрланган) тайёрланган цемент асослар бўйича ва қуйидаги 25-жадвалга мувофиқ бўлиши керак.

25-жадвал

Назорат кўрсаткичлари	**Талаблар**	**Назорат (усул, ҳажм)**	**Нуқсонларни бартараф этиш чоралари**
1	2	3	4
Конструкция яхлитлик	Асос зич ва мустаҳкам бўлиши, дарзлар, кўчишлар ва чангланиш бўлишига йўл қўйилмайди	Узлуксиз кўз билан (визуал) кўрик текшириш	Кучсиз асосларни мустаҳкамлаш керак Агар буни бажариш имкони бўлмаганда, уларни олиб ташлаш ҳамда янги текисловчи қатлам (стяжка) қилиш лозим Дарзлар мавжудлигида уларнинг турини (статик ёки динамик) ўрнатиш ва ишлаб чиқилган лойиҳа ечимига мувофиқ уларни бартараф этиш чораларини кўриш лозим
Асоснинг сиқилишга мустаҳкамлиги: қўллашнинг кўча шароитлари учун ички хоналар учун транспорт ҳаракати мавжудлигида ички хоналар учун пиёда ҳаракатланишида	Камида 30 МРа Камида 25 МРа Камида 20 МРа	ГОСТ 22690-2015 бўйича, ҳар бир 100 m^2 камида олтита ўлчашлар (зарбали импульс усули) ва синдириш билан узиб олиш	Олинган натижалардан келиб чиқиб, асосни мустаҳкамлаш ёки ушбу талабларга мувофиқ тўшадиган қатламни ўрнатиш бўйича тадбирлар режасини бўлиши
Асоснинг узиб олишда чўзилишга мустаҳкамлиги: қўллашнинг кўча шароитлари учун ички хоналар учун транспорт ҳаракати мавжудлигида ички хоналар учун пиёда ҳаракатланишида	Камида 2,0 МРа Камида1,5 МРа Камида1,0 МРа (узиб олишнинг когезион табиати)	ГОСТ 22690-2015 бўйича, ҳар бир 100 m^2 камида олтита ўлчашлар	Олинган натижалардан келиб чиқиб, асосни мустаҳкамлаш ёки ушбу талабларга мувофиқ тўшадиган қатламни ўрнатиш бўйича тадбирлар режасини бўлиши
Асоснинг намлиги	Масса бўйича 4 фоиздан ортиқ эмас, бўлса	ГОСТ 21718-84, ҳар бир 100 m^2 камида олтита ўлчашлар	Қуритишни ташкил қилиш
Сиртдан оғишлар	Икки m рейкада 2 mm дан ортиқ эмас	Инструментал, ҳар бир 100 m^2 камида олтита ўлчашлар	Текисловчи таркиблар ёрдамида текислаш

Бетон асоснинг ёши	Камида 28 сутка, агар бошқаси қоплама материаллари ишлаб чиқарувчисининг техник ҳужжатларида кўрсатилмаган бўлса	Қурилиш объектининг лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ	Полимер қопламани ётқизишни ўтказиш ёки қопламанинг бошқа турини танлаш

314. Полнинг полимер ҳимоя қопламасини ўрнатишда атроф-муҳит ва асоснинг 10 °С дан 30 °С гача ҳароратида ва ҳавонинг 80 фоиздан ортиқ ўп бўлмаган нисбий намлигида амалга оширилиши, бунда ҳарорат-намлик режими ишларни амалга оширишнинг бутун даврида ҳамда пол қопламаси тўлиқ қуригунча ушлаб турилиши лозим.

315. Полнинг полимер ҳимоя қопламаси ўрнатилаётган юза ишларини амалга оширишнинг бутун даврида ва пол қопламаси тўлиқ қуригунча тўғридан-тўғри қуёш нуридан, елвизак (ҳаво оқими)лардан ҳамда сув тушишидан ҳимоялаш зарур.

316. Асос остида капилляр намлик кўтарилишига тўсқинлик қилувчи гидроизоляция ўрнатилиши керак.

317. Материални қоплашда асос ҳарорати ишларни амалга оширишнинг бутун даврида шудринг нуқтасидан камида 3 °С га юқори бўлиши лозим.

318. Ҳимоя полимер қопламасини қоплашдан олдин цемент сутини, бўшашган ва ёпишган зарраларни, турли ифлосликлар ва эски қопламаларни олиб ташлаш мақсадида, цемент асосга механик ишлов бериш зарур.

Ишлов бериш юзада пастки қатламнинг йирик тўлдирувчиси пайдо бўлгунга қадар амалга ошириш ҳамда ишлов берилган асосни чангдан тозалаш ва грунтлаш керак.

319. Тикилган ёриқлар, ғадир-будирлар, синиқлар, шунингдек ҳароратга киришиш чокларини (чоксиз қопламани бажариш ҳолатида) полимер материал ёрдамида асос юзаси билан баравар қилиб шпаклёвка қилиниши керак.

320. Полнинг ҳимоя полимер қопламаси қаватма-қават ётқизилиши лозим.

Ҳар бир кейинги қават олдинги қават ётқизилгандан ва техник жиҳатдан ушлаб турилганидан кейин ётқизилиши, бунда минимал ва максимал қатламлараро оралиқ (интервал) ҳисобга олиниши лозим.

321. (20 ± 2) °С ҳароратда ва (60 ± 5) фоиз намликда кейинги қатламни камида 12 h дан кейин ҳамда 48 h дан кечиктирмай ётқизишга йўл қўйилади.

322. Грунт қатламини ётқизишда материалнинг бир текисдалиги ва унинг сарфини ишчи лойиҳа ҳужжатларга мувофиқлигини назорат қилиш керак.

323. Қуйиладиган ва юқори тўлдирилган қопламаларни ўрнатишда қопламанинг бир текислиги, ранги ва қават қалинлиги ҳисобга олиниши лозим.

324. Юқори бўёқ қатламини (эмаль қатлами) ўрнатишда ётқизишнинг бир текисдалигини ва қатлам қалинлиги инобатга олиниши керак.

325. Полнинг кўп қатламли ҳимоя полимер қопламаларининг қаватлараро адгезияси (турли хил қаттиқ ва/ёки суюқ жисмлар юзаларининг бир-бирига ёпишиши) асосга қопламанинг адгезиясидан кам бўлмаслиги лозим.

326. Ҳимоя полимер қопламасини қабул қилиш ишлари қуйидаги 26-жадвалда келтирилган талаблар асосида амалга оширилиши керак.

26-жадвал

Нуқсон номланиши	**Қопламалар учун талаблар**		
	ялтироқ	**ярим жилоли**	**жилосиз (матовых)**
кўпиклар ва ўтказмас ғоваклар): 100 m^2 га доналар сони	10	20	30

ўлчами улар орасидаги масофа	1 mm дан кўп эмас камида 100 mm	1 mm дан кўп эмас камида 100 mm	1 mm дан кўп эмас камида 100 mm
Сийрак ғоваклар	Йўл қўйилмайди		
Шагрень силлиқ юзаларда учун Шагрень шагрень	Йўл қўйилади		
Штрихлар, чуқурчалар (сийрак бўлмаган)	Визуал — йўл қўйилади Чуқурликка эга йўл қўйилмайди		
Усталар фойдаланадиган асбоб излари	Визуал — йўл қўйилади Чуқурликка эга йўл қўйилмайди		
Доғли излар	Йўл қўйилмайди		
Сиртдан оғиш	Ингичка қатламлилар учун нормаланмайди. Қуйиладиган ва юқори тўлдирилганлар учун икки m рейкада 2 mm дан ортиқ эмас		
Ранг	Ишлаб чиқарувчининг каталоги (палитра) бўйича битта ранг доирасида		

13-§. Цемент-полимер пол қопламасини ўрнатиш

327. Ҳимоя цемент-полимер пол қопламалари қуйиладиган ейилишга бардошли финиш ва буфер қуйиладиган қопламаларга бўлиниши лозим.

328. Ҳимоя цемент-полимер финиш пол қопламалари бетонлардан, қоришмалардан тайёрланган цемент асослар бўйича ёки металл асослар (пўлатдан, рухланган пўлатдан, алюминдан тайёрланган) бўйича ва қуйидаги 27-жадвал талабларига мувофиқ ўрнатилиши керак.

27-жадвал

Назорат кўрсаткичлари	**Талаблар**	**Назорат (усул, ҳажм)**	**Нуқсонларни бартараф этиш чоралари**
1	2	3	4
Конструкция яхлитлик	Асос зич ва мустаҳкам бўлиши лозим Дарзлар, кўчишлар ва чангланиш бўлишига йўл қўйилмайди	Узлуксиз кўз билан (визуал) кўрик текшириш	Кучсиз асосларни мустаҳкамлаш зарур Агар бунинг имкони бўлмаганда, бунда олиб ташлаб буфер цемент-полимер қоплама ўрнатиш лозим Дарзлар мавжудлигида уларнинг турини (статик ёки динамик) ўрнатиш ва ишлаб чиқилган лойиҳа ечимига мувофиқ уларни бартараф этиш чораларини кўриш лозим
Асоснинг сиқилишга мустаҳкамлиги: финиш цемент-полимер қуйиладиган қопламалар учун буфер цемент-полимер қуйиладиган қопламалар учун	Камида 30 МРа Камида 25 МРа	ГОСТ 22690 бўйича, ҳар бир 100 m^2 камида олтита ўлчашлар	Олинган натижалардан келиб чиқиб, асосни мустаҳкамлаш ёки ушбу талабларга мувофиқ бўладиган тўшовчи қатламни ўрнатиш бўйича тадбирлар режаси бўлиши
Асоснинг сиқилишга мустаҳкамлиги:	Камида 15 МРа	ГОСТ 22690, ҳар бир 100 m^2	

финиш цемент-полимер қуйиладиган қопламалар учун турар жой, жамоат ва маъмурий биноларда, ишлаб чиқариш хоналарида (пиёда юки)		камида олтита ўлчашлар	
Бетон асоснинг узиб олишда чўзилишга мустаҳкамлиги: финиш цемент-полимер қуйиладиган қопламалар учун буфер цемент-полимер қуйиладиган қопламалар учун ва цемент-полимер қуйиладиган қопламалар учун тураржой, жамоат ва маъмурий биноларда, ишлаб чиқариш хоналарида (пиёда юки)	Камида 1,5 МРа Камида 1,0 МРа	ГОСТ 22690, ҳар бир 100 m^2 камида олтита ўлчашлар	
Сиртдан оғишлар финиш цемент-полимер қуйиладиган қопламалар учун	Икки m рейкада 2 mm дан ортиқ эмас	Инструментал, ҳар бир 100 m^2 камида олтита ўлчашлар	Текисловчи таркиблар ёрдамида текислаш
Бетон асоснинг ёши	Камида 28 d, бошқаси қоплама материаллари ишлаб чиқарувчисининг техник ҳужжатларида келтирилмаган бўлса	Қурилиш объектининг лойиҳа ҳужжатига мувофиқ	Полимер қопламани ётқизишни ўтказиш ёки қопламанинг бошқа турини танлаш

329. Полнинг цемент-полимер қопламасини ўрнатиш бўйича ишлар атроф-муҳит ва асоснинг 10 °С дан 30 °С гача ҳароратида ва ҳавонинг 80 фоиздан ортиқ бўлмаган нисбий намлигида амалга оширилиши лозим.

330. Полнинг цемент-полимер қопламаси ўрнатилаётган юза ишларини амалга оширишнинг бутун даврида ва пол қопламаси тўлиқ қотгунча тўғридан-тўғри қуёш нуридан, елвизак (ҳаво оқими)лардан ҳамда сув тушишидан ҳимояланиши зарур.

331. Финиш цемент-полимер ёки буфер цемент-полимер қопламасини қоплашдан олдин цемент сути, бўшашган, ёпишган зарраларни, эски қопламаларни олиб ташлаш мақсадида, бетон асосга механик ишлов бериш лозим.

Ишлов бериш юзада пастки қатламнинг йирик тўлдирувчиси пайдо бўлгунга қадар амалга оширилиши керак.

Ишлов берилган асосни чангдан тозалаш ва грунтлаш зарур.

332. Полнинг цемент-полимер қопламаси қаватма-қават ётқизилиши лозим.

333. Грунтовка ишлари цемент-полимер қопламасининг ҳар бир қатламини ётқизишдан олдин амалга оширилиши лозим.

334. Қуйиладиган цемент-полимер қопламасини ўрнатишда ишларни бажариш вақтида сув қаттиқлиги нисбатини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

335. Ҳимоя полимер қопламасини қабул қилиш ишлари қуйидаги 28-жадвалда келтирилган талаблар асосида амалга оширилиши керак.

28-жадвал

Нуқсон номланиши	**Якунловчи цемент-полимер жилосиз (ялтирамайдиган) қопламалар учун нормалар**
Бегона нарсалар (кўпиклар ва сийрак бўлмаган ғоваклар): 100 m^2 га доналар сони ўлчами улар орасидаги масофа:	 30 1 mm дан кўп эмас камида 100 mm
Сийрак ғоваклар	Йўл қўйилмайди
Силлиқ юзалар учун шагрень	Йўл қўйилади
Штрихлар, чуқурчалар (сийрак бўлмаган)	Визуал — йўл қўйилади. Чуқурликка эга — йўл қўйилмайди
Усталар фойдаланадиган асбоб излари	Визуал — йўл қўйилади. Чуқурликка эга — йўл қўйилмайди
Доғли излар	Йўл қўйилмайди
Сиртдан оғиш	Қуйиладиган учун — 2 m ли рейкада 2 mm дан кўп эмас ёки лойиҳа ҳужжатлари талабларига мувофиқ
Ранг (фақат рангл финиш цемент-полимер қопламалар учун)	Ишлаб чиқарувчининг каталоги (палитраси) бўйича битта ранг доирасида визуал фарқлар бўлишига йўл қўйилади

14-§. Полнинг тайёр қопламасига қўйиладиган талаблар

336. Полнинг тайёр қатламасига қўйиладиган асосий талаблар қуйидаги 29-жадвалга мувофиқ бўлиши лозим.

29-жадвал

Параметр номи	**Йўл қўйиладиган қиймати**	**Назорат (усул, ҳажм, рўйхатга олиш тури)**
1	2	3
Икки m назорат рейкаси билан текширилганда қоплама юзасининг сиртдан оғиши: ер, гравий, шлак, шағал, тупроқ қопламалар ва чорқирра тошлардан (брусчатка) қопламалар	10 mm дан ортиқ эмас	Ўлчаш, икки m рейка билан назорат, қопламанинг ҳар бир 50 — 70 m^2 юзасига камида тўққизта ўлчаш ёки кичикроқ майдонли битта хонада
асфальтбетон қопламалар, оралиқ қатлам бўйича қумдан, ён чекка элементлардан, чўян плиталардан ва ғиштдан	6 mm дан кўп эмас	
цемент-бетон, мозаика-бетон, цемент-қум, поливинилацетат-бетон, металлцемент, ксилолит қопламалар ва кислота бардошли ва иссиққа бардошли бетондан қопламалар	4 mm дан кўп эмас	
Сўртма (мастика)дан оралиқ қатламда, ён чекка элементлардан, чўян ва пўлат плиталардан, барча турдаги ғиштдан қопламалар		
қум, мозаика-бетон, асфальтбетон, керамика, тош, шлакоситалл		

поливинилацетат, тахта, паркет қопламалар ва линолеумдан, поливинилхлорид ва ўта қаттиқ ёғочтолали плиталардан синтетик толалар асосидаги рулонли қопламалар	2 mm дан кўп эмас	
Қуйидаги донадор материаллардан қопламаларнинг қўшни маҳсулотлари орасидаги дўнгликлар: брусчаткадан	3 mm дан кўп эмас	Ўлчаш, қопламанинг ҳар бир 50 — 70 m^2 юзасига камида тўққизта ўлчаш ёки кичикроқ майдонли битта хонада
ғишт, ён чекка элементлардан, бетон, асфальтбетон, чўян ва пўлат плиталардан	2 mm дан кўп эмас	
керамика, тош, цемент-қум, мозаика-бетон, шлакосталл плита	1 mm дан кўп эмас	
тахта, паркет, линолеумдан, поливинилхлорид ва ўта қаттиқ ёғоч толали плиталардан, поливинилхлоридпластикдан	Йўл қўйилмайди	Ўлчаш, камида бешта ўлчаш
Қопламалар ва полҳошияси элементлари орасидаги дўнгликлар	2 mm дан кўп эмас	
Қопламаларнинг берилган нишабидан четланишлар	Хона тегишли ўлчамидан 0,2 фоиз дан кўп эмас, бироқ 10 mm дан кўп эмас	
Қоплама қалинлиги бўйича четланишлар	Лойиҳанинг 10 фоиз дан кўп эмас проектной	
Уриб кўриб, монолит қопламалар ва қаттиқ плита материаллардан қопламаларнинг пол қуйи элементлари билан уланишини текширишда	Товуш чиқиш хусусиятида ўзгариш бўлмаслиги лозим	Катакчаларининг ўлчами камида 50х50 cm бўлган шартли тўр бўйича квадратлар марказида пол бутун юзаси уриб кўрилади
Ёғоч қопламанинг тахталари орасидаги тирқишлар	1 mm дан кўп эмас	Ўлчаш, қопламанинг ҳар бир 50 — 70 m^2 юзасига камида бешта ўлчаш ёки кичикроқ майдонли битта хонада
Паркет тахталар ва паркет шчитлар орасидаги тирқишлар	0,5 mm дан кўп эмас	
Донадор паркет қўшни томонлари орасидаги тирқишлар	0,2 mm дан кўп эмас	
Плинтуслар ва пол қопламаси ёки деворлар (пардеворлар), линолеум, гиламлар, рулонли материаллар ва плиткалар матоларининг қўшни қирралари орасидаги тирқишлар ва ёриқлар	Йўл қўйилмайди	Ўлчаш, қопламанинг ҳар бир 50 — 70 m^2 юзасига камида бешта ўлчаш ёки кичикроқ майдонли битта хонада
Қоплама юзаларида ўйиқлар, дарзлар, тўлқинлар, шишлар, кўтарилиб қолган қирралар бўлмаслиги лозим. Қоплама ранги лойиҳадагига мувофиқ келиши керак		